# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 24-март • № 12 (3841)


*Наврўз айёмининг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп минг йиллик тарихимизда қанча-қанча достонлар, афсона-ю ривоятлар, қўшиқ ва қасидалар битилган бўлмасин, унинг маъно-мазмуни, беқиёс гўзаллигини таърифлашга, уни эъзозлаш ва улуғлашга ҳар қандай сўзлар ҳам ожизлик қилади.*

*Лекин энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзнинг юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсон қалбига, руҳиятига ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётбахш таъсир ўтказишини, айни шу фусункор дамларда унинг кўнглида жўш ураётган ҳис-туйғуларни тасаввур қилиш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.*

**Президент Ислом КАРИМОВнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзидан**

## ОФТОБ ҲАМАЛ БУРЖИГА КИРДИ

Қадим-қадим замонлардан бери ушбу кун байрам қилинади. Бу — неча минг йиллардан буён яшаб келаётган одат, анъана, қадрият. Худди қуёш каби мангу, руҳ каби умрбоқий, осмон каби чексиз, замин каби муқаддас ҳаёт. Ота-боболаримизнинг ишончи, орзуси, эртанги кунга умиди шундай. «Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди...»

Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган (Умар Ҳайём «Наврўзнома»).

Халқимиз бу йил ҳам ана шу қадимий одатга кўра Наврўзни нишонлади. Эрта тонгданоқ, карнай-сурнай садолари одамларни байрамга чорлади. Жарчиларнинг шодон ҳайқириқлари янгради.

**Бор-ҳо,**
**Кел-ҳо,**
**Ҳамалим, ҳа,**
**Амалим, ҳа,**
**Сайил бейда,**
**Тезда етиб кел!**
**Ўйнагани кел!**
**Кулгани кел!**
**Келмасанг ҳам кел-о-о-о!**

Мажнунтоллар қирқ ўрим кокилларини соллантирган келинчаклардай саломга чиқдилар. Қушлар очилаётган гулларга, барг ёзаётган новдаларга қараб алёр айтдилар. Ҳовлиларга ошён қурган мусичалар ўз жуфтларини чорлаб, ишқ навосини тириклик қўшиғини куйладилар.

Болакайлар юртимизнинг беғубор осмонида оппоқ варракларини учириб, завқландилар. Осмондаги варраклар худди кўм-кўк яйловдаги оппоқ тойчоқлардек дик-дик сакраб чопади.

Наврўз шарофати билан юртимизнинг ҳар гўшасида ўзгача тароват ила чирой. Наврўз сайлига чиққан юртдошларимизнинг завқу туйғулари яна-да гўзал, руҳлари баланд.

Сайл ўз номи билан сайил. Табаррук қадамжолар, майдонлар гавжум. Эндигина тетапоя бўлиб юраётган гўдагини етаклаган ота-оналар, кечагина янги оила қурган келинчаклар, ёш-яланглар, табаррук отахонлар ва онахонлар байрам гаштини сурадилар.

Мутлақо янгича меъморий кошоналар билан чирой очган Эски Жўва майдони, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғидаги Наврўз сайли бу йил янада янгича мазмун касб этди.

Сайил қилиб юрганлар «Болалар ижодиёти уйи» юқорисидан пойтахтимизнинг баҳорий манзарасини завқ билан томоша қиладилар. Иккинчи ёқда Ўзбек миллий либослари галереясида Наврўзга бағишланган янги либослар кўргазмаси. Бетимсол бино олдида уч-тўртта оппоқ лайлаклар либосларини намойиш қилаётган санамлардек назокат билан айланиб юришибди. Йўлаклардан ўтиб бораётган болакайлар кўзида ажиб бир ҳайрат.

*Наврўз сайиллари*

Абдулла Қодирий ҳайкалининг қуйи қисмидаги майдон узра тикилган дор остида Турсун Али полвон бошчилигидаги «Водил чинори» миллий цирк масхарабозлари, полвонлари, дорбозлари ўз санъатлари билан халқ кўнглини хушнуд этишмоқда. Юртдошларимизнинг ризқу рўзи бутун бўлсин деган эзгу ният билан дошқозонларда сумалаклар, ҳалимлар қайнатилмоқда.

«Наврўзнома»да ёзилишича «Ажам подшоҳлари хизматкорга берган бир бурда нонларини қайтариб олмас ва одатга кўра, ҳар йили ва ҳар ойда маълум вақтда уларга нон улашардилар. Агар бирор киши ўлиб қолиб, ундан кейин ўша вазифани бажара оладиган ўғли қолса, унга отасининг ҳақини берар эдилар». Бу удум Амир Темур ҳукмронлиги даврида чандон устувор бажарилган. Мустақиллик даврига келиб, Наврўз шодиёналари меҳр-мурувват, саховат, оқибат тимсолига айланди. Бу улуғ байрам яна ҳаётимизнинг маънавий безаги бўлиб қолди.

Пойтахтимиздаги Наврўз сайилларида халқ ҳунармандлари, усталар, ёш ихтирочиларнинг анъанавий кўргазмалари ҳам бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти ёш ихтирочилар тўгараги аъзолари — мактаб ўқувчилари ясаган турли хил буюмлар кўргазмага қўйилди. Наврўз либослари, Наврўз кашталари, Наврўз таомлари расталари одамлар билан гавжум. Далаларда, кенг яйловларда кураш, кўпкари мусобақалари, шаҳарлардаги боғларда варрак учириш, расм чизиш, арқон тортиш баҳслари, шахмат-шашка ўйинлари ташкил этилди. Мактаблар, маданият билим юртлари қошидаги болалар бадиий ҳаваскорлик тўгараклари иштирокчиларининг куй-қўшиқлари томошабинларга манзур бўлди.

Осойишта ва фаровон мамлакатга байрамлар ярашади. Тўй тўйга улашади, Наврўз-наврўзга. Баҳор байрами ҳар бир маҳаллада, ҳар бир хонадонда давом этаётир.

Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

**Рустам МУСУРМОН**



**1961 йили ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро театр институтининг IX конгресида дунё миқёсида халқаро театр кунини нишонлаш ҳақида ҳужжат қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда жаҳоннинг 100 дан зиёд мамлакатларида бу кун театр санъати ходимларининг касб байрамлари сифатида нишонланади.**

**Юртимизда ҳам ҳар йили Халқаро театр куни кенг нишонланади. Мазкур байрам бу йил қандай ўтиши ҳақида «Ўзбектеатр» бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи Аҳмаджон РАҲИМОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:**

## БАЙРАМ РЕЖАЛАРИ

*27 март — Халқаро театр куни*

— Театр ходимларининг бу анъанавий байрами республикамизда фаолият кўрсатаётган ўттиздан ортиқ театрларимиз ишига ижобий таъсир кўрсатиб, маънавий ҳаётимизнинг бойишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Саҳна ижодкорлари ўз касб байрамларига бир йиллик ижодий меҳнатлари самараси билан етиб келдилар. Театларимизда намойиш этилаётган спектаклларнинг элликка яқини биринчи марта саҳна юзини кўрган асарлардир. Ижодий жамоаларимиз фақат республикамизда эмас, кўплаб Европа давлатларида, хусусан Россия шаҳарларида бўлиб, миллий санъатимизни тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшдилар. Бир йил давомида ўтказилган анжуманлар, давра суҳбатлари, фестивал ва кўрик-танловлар театрларимиз фаолиятининг янада яхшиланишига ёрдам берди.

Куни кеча катта тантаналар билан нишонланган «Наврўз» байрами дастурининг асосий ўзаги театр санъаткорлари бўлганлиги уларга касб байрамлари олдидан яхши кайфият бағишлади.

Барча профессионал театрларда Халқаро театр куни арафасида премералар бўлиб ўтяпти, аксарият театрларда байрамга атаб янги адабий-бадиий композициялар, кечалар тайёрланяпти. Республикамиз етакчи театрлари ижодкорларидан иборат кичик-кичик гуруҳлар вилоятларда сафарда бўлдилар.

Апрел-май ойларида пойтахтимизнинг барча театрлари ижодий жамоалари вилоятларда сафарда бўладилар. Уч босқичда ўтадиган бу сафарлар Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан бошланади. Биринчи босқичда театрлар репертуарларидаги сара асарларни намойиш этадилар. Иккинчи босқичда етук театр санъаткорлари меҳнаткашлар, ўқувчи-талабалар ҳузурида бўлиб, юзма-юз мулоқот қиладилар. Учинчи босқичда эса машҳур актёр ва актрисаларимиз, режиссёрлар вилоятлардаги санъат ўқув даргоҳларида «мастер-класс» дарсларини ўтадилар. Хуллас, байрамдан кейинги режаларимиз ҳам катта.

Ҳозирги кунда эса 27 март куни Ўзбек Миллий академик драма театримизда ўтадиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди. Шу куни бу қутлуғ даргоҳга театр санъатининг фахрийлари, етук санъаткорлар, истеъдодли ёшлар, талабалар, педагоглар ва мухлислар йиғиладилар. Пойтахтимиз театрлари жамоалари энг яхши дастурларини намойиш этадилар, фахрийларга, кам таъминланган театр ходимларига совға-саломлар топширилади.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз театр санъати фидойилари.

## ЗАРУР АНЪАНА

**Инсон табиати шундайки, у муроса қилиб яшайди. Ўзига хуш келмайдиган нарсаларга ҳам гоҳо кўникади. Балки бу ички бир маданият белгисидир, балки бошқадир, аниқ айтиш қийин, аммо кўпчилигимиз роса ўрни келганда ҳам вазмин мулоҳаза юритамиз, нега бундай, нега бошқача эмас, бу ахир қанақаси, дея саволни саволга қалаштириб ташламаймиз, аксинча, ҳа энди, шунақа экан-да деймиз кўямиз.**

Пастки қўшнингиз мусиқачи бўлиб, бемаҳалда ҳам машқ қилаверса, тинчингизни бузса, аввалига асабийлашасиз, кайфиятингиз бузилади. Йўлакда кўришиб қолсангиз, озроқ танбеҳ берасиз, илтимос қиласиз, аммо бора-бора бу овозларга парво қилмай ҳам кўясиз. Пианино овози бир-икки кун эшитилмай қолса, қўшним тинчмикин, деб хавотирга ҳам тушасиз.

Аввалги уйимиз машиналарнинг ғийқиллаган овози, ғала-ғовур, шовқин-сурон тунда ҳам тинмайдиган катта чорраҳада эди. Анча вақт бунга кўника олмай юрдик. Бир иш қилмоқчи бўлиб, хаёлингни энди жамлаганингда машиналардан бири ё иккинчисига бориб урилади, ё асабга тегувчи даражада чийиллаб тўхтайди. Қизиғи, бора-бора бу овозларни мутлақо эшитмайдиган бўлиб кетдик. Бемалол ишлаш ҳам, ухлаш ҳам мумкин бўлиб қолди. Уйга келган меҳмон «Ие, роса шовқин эканми?" деб қолса, шовқин овозлари яна қулоғингизга кира бошлайди...

Кексаларимиз «Кўникиб яшаш ҳам бир ҳикмат" дейдилар. Албатта, дунё деганлари ҳаммага ҳам бағрини бирдай очиб, ҳаммага бир хилда ҳиммат кўрсата олмайди. Шу боис гоҳо кўникишга, сабр-тоқат қилишга тўғри келади. Бунинг ёмон жойи йўқ. Лекин кўникишнинг ҳам меъёри бўлиши керак-ку. Келинг, бир мулоҳаза қилайлик.

Дунё мамлакатларида янги йил, миллий, диний ва бошқа шу каби байрамлар умумхалқ байрамлари арафасида йирик савдо марказларида, дўкону дўкончаларда, бозор расталарида кундалик турмушда зарур бўладиган товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, маиший буюмларни арзонлаштириб сотиш яхши анъана бўлиб қолган. Харидорлар ишбилармонларнинг бу саховатидан мамнун бўлиб, бундай савдоларни кутиб турадилар. Пештахталар бир-икки кун ичида бўшаб қолади ва улар ўрнини бошқа маҳсулотлар эгаллайди. Бу хайрли ишдан ҳар икки томон — сотувчи ҳам, олувчи ҳам манфаат кўради.

*Муҳаррир минбари*

Олди-сотди бўлганидан кейин, давлат хазинасига анча-мунча пул тушади.

Афсуски, бу яхши анъана бизгача етиб келолмаяпти. Бозорларимизда баҳо энди барқарорлашганида, Янги йил ёки Ҳайит байрамларимиз яқинлашади-ю нархлар сезиларли даражада кўтарилади. Мўмай даромад топишнинг ҳадисини олган айрим "тадбиркорлар" арафа кунлари товарларнинг бир қисмини сотувга чиқармай ушлаб туришади. Негаки, байрам кунлари шундоқ ҳам шошиб турган харидор сотувчи билан ортиқча тортишиб ўтирмайди, олиш керакми, олиш керак. Янги йилда гўшт ва гўшт маҳсулотларига, 8-мартда гулга, ҳайит ёки Наврўз кунлари гуруч билан сабзига талаб жиддий ошади. Демак, бир-икки кун ғамлаб қўйилса, бозорда нарх дегани ўз-ўзидан кўтарилади. Бунга ҳеч ким ажабланиб ўтирмайди. Чунки ҳамма аллақачон кўникиб бўлган. Аёллар байрами куни гулнинг баҳоси икки ойлик ўртача маошдан ҳам ошиб кетади. Ҳеч ким, гуллар мамлакати бўлган Ўзбекистонда нега шундай, деб ажабланмайди. Чунки, таомил шунақа, байрамда нарх ошади.

Хўш, ғарбликлар маҳсулотларини арзонлаштириб сотиш ва бу ҳимматларидан ҳам мўмай даромад топиш тажрибасини қаердан ўрганишган? Албатта, Шарқдан, бизлардан. Тарихимизга назар солсак, бундай саховатпешалик, меҳр-мурувват қадимда айнан ўзимизда бўлган. Байрам арафаларида «Бозори субҳ", "Бозори шаб" — тонгги ва тунги бозорчалар ташкил этилиб, одамларга зарур бўлган нарсалар ярим баҳода сотилган. Харидорларга анча-мунча қулайликлар яратилган. Деҳқонлар ўзларидаги ортиқча молларни керакли бошқа нарсаларга айирбошлаганлар. Бу тўғрида қўқонлик машҳур савдо ходими Нуриллахон Абдуллаев алоҳида китобча ҳам ёзган эди.

Халқимизга азалдан хос бўлган бу олижаноб қадрият негадир унут бўлиб кетди. Бугун тадбиркорман деган кишига қанчадан-қанча имтиёзлар берилаётган, уларни ноўрин безовта қилмаслик қонунларимизда мустаҳкамланаётган, ишбилармонлар манфаатини давлатнинг ўзи ҳимоя қилиб турган бир пайтда отабоболаримиздан мерос бу мархаматни қайта тиклашимиз ўта зарур деб ўйлайман. Давлатимизнинг мавқеи, иқтисодиётимизнинг бугунги имкониятлари, турмуш тарзимизда маънавий қадриятларнинг улуғланишидан шу зарурат келиб чиқади.

Мустақиллик йилларида хусусий мулкка эга бўлиб, қўшма корхоналар, завод-фабрикалар қуриб, ўзимиз учун ҳам, ташқи бозор учун ҳам маҳсулот чиқараётган тадбиркорлар озмунча эмас. Бундан ҳаммамиз фахрланамиз, негаки, қанчадан-қанча янги ишчи ўринлари пайдо бўлмоқда, ёшлар касб эгалламоқдалар. Ишбилармонлар давлат зиммасидаги масъулиятнинг бир қисмини елкаларига олмоқдалар. Аммо, маҳсулотлар арзонлашмаяпти. Цемент, шифер заводларига фалон мамлакатдаги фалон ташкилотнинг сифат сертификати, олий мукофоти топширилди, улар фаолияти халқаро миқёсда эътироф этилди, деган хабарларни тез-тез ўқиб турибмиз. Аммо аҳоли эҳтиёжи учун бениҳоя зарур бўлган бу маҳсулотларнинг нархи тушмаяпти. Қани энди, бу корхоналарнинг мутасаддилари, агарки ишлари чиндан ҳам юришиб, сифатли маҳсулотлари дунё бозорида эътироф этилаётган бўлса, масалан Ҳайит кунлари Наврўз арафасида ёш келин-куёвларга уй-жой қуриш учун ҳафта-ўн кун давомида цемент, шифер ёки ғиштни имтиёзли нархларда сотсалар. Қирқдан ортиқ гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ва бу тўғрида хусусий радиоларимизда чор-атрофга тўхтовсиз жар солаётган тадбиркор отахонларимиз шундай кунлари харидорларга, ҳеч бўлмаганда меҳрибонлик уйларига, таълим-тарбия муассасаларига маълум чегирмалар берсалар.

Байрамларимизда, хусусан Ҳайит ва жума кунлари шаҳар транспорти одатдагидан кўра тирбанд бўлади. Қани энди, транспортчилар бир-икки кунга ҳиммат қилиб юборишса. Шифохоналарда ўша кунлари беморларга алоҳида мурувват кўрсатилса. Битта азамат ўртага чиқсаю "Мана сизларга фалон минг туп кўчат, экинглар, боғ яратинглар, юртимизни обод қилайлик, биз ҳам савобдан четда қолмайлик» деворса.

Европа мамлакатларидан бирида оддий бир емакхона эшигига осиб қўйилган эълонни кўрганман: "Бизда ҳар юзинчи хўранда бепул овқатланади!» Шу битта ёзувнинг ўзи ҳар куни шу жойга камида беш-ўнта қўшимча мижозни бошлаб келар экан. Бизда ҳам, масалан байрам кунлари турли оилавий маросимларни маълум чегирмалар ҳисобига ўтказиш мумкин эмасми? Албатта, ҳар қандай ҳимматга жамият маълум маънода акс-садо бериши керак. Истеъмолчиларнинг харид имкониятини ўйлаб, маҳсулотларини нисбатан арзон сотаётганларга ҳеч бўлмаганда солиқ идоралари ходимлари раҳмат, деб қўйишлари зарур. Бусиз бўлмайди, албатта.

Жамият ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлини белгилар экан, бунинг учун, табиийки, маълум ислоҳотларни амалга оширади. Биз бугун, мустақилликнинг ўн бешинчи йилида одамлар турмуш тарзини янада фаровонлаштириш, улар эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун етарли асослар бор, деб бемалол айта оламиз. Узоққа бормайлик, биргина ўтган 2005 йилнинг якунлари бу фикрга таянч бўла олади. Токи, шундай экан, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар нархининг, маиший хизмат кўрсатиш таърифларининг асоссиз равишда ўсишига бефарқ қараб туриб бўлмайди.

*Муҳокама учун мавзу*

## КИМГА ҲАВАС ҚИЛАСИЗ — Жеки Чангами ёки Акобир полвонга?

Маҳалламиздаги аксар болалар мактабдан сўнг турли спорт тўгаракларига боришади. Улардан спортнинг қай тури билан машғул эканликларини сўраганимда, деярли ҳаммаси бокс, каратэ ёки кикбоксинг билан шуғулланаётганларини айтишади. Болаларни яна саволга тутаман: нега кураш билан шуғулланмайсизлар? Бунга жавобан баъзи болалар елка қисишади, маҳмадоналари эса "«зарубеж» филмлар қаҳрамонлари каратэ ёки бокс турининг нозик қирраларигача ўзлаштирганини ҳайрат билан сўзлаб, уларга ҳавас қилишади. Айниқса, Жеки Чанга!

Дарҳақиқат, бугун дунёда спортнинг каратэ, бокс, кикбоксинг турлари жуда оммалашган. Хўш, бунга қандай эришилди? Бунинг асосий сабаблари мазкур спорт тури билан боғлиқ кўплаб филмлар яратилиши ва уларни бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилинишидир. Ўша бадиий филм қаҳрамонлари мазкур спорт турларини санъат даражасида намойиш қила олишади. Бу эса томошабинларда завқ уйғотади, айниқса, ўсмирлар қалбидан чуқур жой оладди, уларни ҳаяжонлантиради.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида яратилган Брюс Ли иштирокидаги филмларни олайлик. Унинг бор-йўғи бешта филми Хитойнинг миллий спорти бўлмиш Кун-фуни дунё узра танилишига сабаб бўлган. Ваҳоланки, бунгача ушбу спорт тури нафақат жаҳонда, ҳатто Хитойнинг ўзида ҳам оммабоп ҳисобланмаган эди. Ўз ижроси билан Брюс Ли ёшларни спортга жалб этишда ва ўз юртининг миллий спортини дунё узра ёйилишига катта ҳисса қўшди.

АҚШ кино ижодкорлари яратган «Рокки»-1, 2, 3, 4 филмларининг дунёга келиши ҳам жаҳон миқёсида боксга бўлган қизиқиш кучайишига замин яратди.

Айтмоқчиманки, бизда ҳам миллий спортимиз ҳақида бадиий филмлар кўпроқ ишланса, кураш ҳақида берилаётган телевидениедаги лавҳа ёки матбуотдаги мақоладан юз баробар самарали бўларди. Маълумотларга кўра, Япония кино саноатида уларнинг миллий спорти ҳисобланган каратэ ва қиличбозликка оид ҳар уч йилда қирқ-элликка яқин филм ишланар экан. Уларнинг ўндан ортиғи эса хорижий мамлакатларда муваффақиятли намойиш этилади. Хитойда эса ҳар беш йилда спортга оид юзга яқин кино суратга олинади. «Холливуд»да ҳам бу рақам юздан ортади.

Бизда-чи? Курашимиз тан олинганига етти йилдан ошди. Ҳозиргача «Дилхирож» кураш мавзуи акс этган ягона филм ҳисобланади. Бироқ у ҳам оммабоп бўла олмади. Мақсадимиз курашни кенг тарғиб қилиш, ёшларни ушбу спорт турига янада кенгроқ жалб этиш экан, бунинг учун аввало улар қалбида қизиқишни уйғота билиш керак. Бунда эса курашга оид қизиқарли бадиий филмлар катта ёрдам беради. Шундагина ўсмирлар Жеки Чан ёки Ван Даммгагина эмас, ўзимизнинг Турсунали полвон, Акобир полвонларга ўхшашни орзу қилади. Зотан, ҳалоллик, мардлик, тантиликда курашимизнинг олдига тушадиган спорт тури йўқ.

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

## ДИҚҚАТ: ФЕСТИВАЛ

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда**

***2006 йилнинг 29—31 март кунлари Тошкент шаҳрида***

**МИЛЛИЙ ДОРБОЗЛИК ВА АНЪАНАВИЙ ЦИРК САНЪАТИ ЖАМОАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗАДИ.**

**Фестивал 29 март куни соат 11.00да Абдулла Қодирий номидаги Маданият ва истироҳат боғида бошланади.**

Фестивал ғолибларининг якунловчи томошалари ва уларни тақдирлаш маросими

**31 март куни соат 15.00да Ғафур Ғулом номидаги Маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади.**

## БУГУНГИ СОНДА:


Баҳор боғларида гулнинг гулоби 3

4 ПОЭЗИЯ – ЎЗ-ЎЗИЧА ВОҚЕЛИКДИР

«КИТОБ ЎҚИМАГАН ОДАМ ЯХШИ КУЙЛАЙ ОЛМАЙДИ...» 5

# НАВРЎЗ САФОСИ

**Жуманиёз ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

Она заминда ҳар йили баҳор айланиб келаверади-ю, лекин ҳар бир ташрифининг ўз кўрки, ўз таровати, ўз маънолар олами бор. Биз баҳоримизни, айниқса унинг дилбар қизи Наврўзни ғоят иштиёқ билан қарши оламиз. Назаримда, олам, табиат чиройига мосланиб одам ва унинг табиати ҳам янги бир гўзаллик, янги бир жўшқинлик касб этади.

Ям-яшил қиру адирлар, гулларга бурканган дарахтзорлар чамани, лолазорлар денгизи, мовий осмон, равшан қуёш кўнгилларга завқ, ёркин ҳиссиётлар бахш этади. Яшаш ва яшариш фасли одамга парвоз, қанот бағишлайди. Қишнинг мармардек салқин бағридан сирғалиб чиққан мавжудот баҳорга, Наврўзга буюк интилиш билан кўксини очади. Улуғ ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтганда, «Баҳор андаки булбул гул узорин тоза истармен, ки ул гулбонг ила ўзни баланд овоза истармен» дея борлиққа кенг қулоч очиб, куйлагинг, яйрагинг келади. Қозон тўла сумалак ва ҳалим, осмондаги варраклар хуш садоси, янгидан экилган милён-милён кўчатлар, сайилгоҳлардаги ўйинлар, кўпкари ва кураш баҳслари, қизларимиз ҳуснини янада очган ўсмаю сурма, ҳашару ободончиликка бўлган иштиёқнинг янада баландлиги, рақсу қўшиқларнинг оромижон тўлқини, атлас хиёбонлардаги завқли суҳбат, тўю томошалар — Наврўзимизнинг кўркам, афсонавий намоён бўлишидир. Бу йилги Наврўзимиз янада ўзига хослиги, теран мазмунлари билан фахру ифтихор туйғуларини бахш этади. Бу йилги Наврўз — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг ўн беш йиллиги арафасидаги умумхалқ тантанаси сифатида ҳам алоҳида жозибага эга. Улуғ мустақиллигимиз неча минг йиллик Наврўзимизга катта, порлоқ маънолар бағишлади.

Яхши биламизки, Наврўз байрами ўз тарихий, олис йўлларида анча-мунча қийин, машаққатли синовларни ҳам бошдан кечирди. Унинг йўлида бемаъни тўсиқлар, тазйиқлар ҳам учради. Чинакам халқ сайли сифатида дунёга келган Наврўзимизга ўтмиш сарқити, диний маросим, ортиқча даҳмаза деган тамғалар босиб, уни ҳаётимиздан суриб ташлашга уринишлар ҳам бўлди. Буларни ҳаммасидан хабардормиз. Лекин халқ ҳеч қачон ўз жонажон байрамидан воз кечган эмас. Наврўз замирида мужассам бўлган халқ сайиллари деган олий тушунча истиқлолимиз шарофати билан ўз жозибасини, ўз маънолар дунёсини топди.

Наврўз арафасида она-диёримизнинг кўпгина туманларини айландик. Барча шаҳру қишлоқларимиздаги олижаноб ҳаракатларни, меҳру муҳаббат мавжларини кўриб, ҳис этиб одам яйраб кетади. Қашқадарёнинг Китоб туманида — тоғ ёнбағирларида тикланган оппоқ ўтовларни, одамлар учун ташкил этилаётган қулайлик ва хизматлар силсиласини кўриб хурсанд бўлдик. Ҳамма тадбирлар чуқур ўйланган. Асосий мақсад — Наврўзни чинакам халқ сайлидай ўтказиш. Хўжа кўрсинга ўтадиган мажлислар, нутқлар йўқ. Наврўз — халқ сайли. Одамлар яйрасин, энг яхши либосларини кийиб чиқиб, чиройли давралар тузиб, табиат бағрида гўзал инсоний базм тузсинлар!

Мана шулар ҳақида ўйлар эканман, она юртимизнинг бутун кўрку салобати кўз ўнгимда намоён бўлади. Унинг сут дарёсидай жимиллаган оппоқ тонгларини, қизғалдоқдан чаман бўлган алвон кенгликларини, водию воҳаларининг мўл ҳосилдан тебранган рангин қиёфасини кўз ўнгимда гавдалантираман. Мана шунча бойликлар сарчашмаси бўлиб, Наврўзим хаёлимда барқ уради.

Она-Ер! Биз унинг фарзандларимиз. Уни безаб турган табиатнинг ардоқли бир бўлагимиз. Тақдир бизни она-Ерга мафтун этиб яратган. Биз уни меҳру муҳаббатимиз билан янада яшнатиш учун дунёга келганмиз. Гўзал юртимизнинг ҳар бурчаги — ўз уйимиз, хонадонимиз, кошонамиз, ҳаёт беланчагимиз. Мева тўла боғлар, азамат чинорлар, тўлғаниб оққан анҳорў сойлар нуқра чўққили мовий тоғлар, юлдуз тўла осмон, сурув-сурув чорва, оппоқ пахтазору турли-туман ўт-ўланлар, улкан шаҳарлар, обод қишлоқлар — ҳамма-ҳаммаси бизники. Улуғ халқимиз яратган моддий ва маънавий бойликларни кўз қорачиғидай асраш, юртимизнинг барча фасларидан баҳра ола билиш, уларга барокату ҳусну тароват бахш эта билиш ҳар биримизнинг буюк бурчимиз.

Наврўзинг муборак бўлсин улуғ, мустақил диёр! Жонажон халқимизнинг ҳар туни қадр кечаси, ҳар куни Наврўз бўлсин!

**Ўзбекистон — офтоб зар тожли кошонам ўзинг,**
**Саждагоҳу гулшану озода остонам ўзинг.**

**Одамийлик фанларин бағрингда ўргандик, Ватан,**
**Яхшиликдан, эзгуликдан мангу дарсхонам ўзинг.**

**Кўнглим ичра минг баҳор шодликларин жам айладинг,**
**Ярқираб турган жавоҳир — лаълу дурдонам ўзинг.**

**Сен бировдан кам эмассан, паҳлавон, шавкатли халқ,**
**Ҳеч қачон кам бўлмагайсан, бахтга парвонам ўзинг.**

**Наврўзинг бўлсин муборак, олга интилган Диёр,**
**Кенг жаҳон ичра азиз, машҳуру мардонам ўзинг.**

**Биз учун меҳру мурувват, бахту иқболсан мудом,**
**Бағрида дунё яратган бахтиёр онам ўзинг.**

# НАВРЎЗ САҲНАСИДА "ТОШКЕНТ ЗЕБОЛАРИ"

Инсонларга меҳр-муҳаббат, оқибат уруғини сочиб, кўнгилларга малҳам, бободеҳқонларга мадад бўлиб юртимизга "Наврўз" кириб келди.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналари қалбларга олам-олам қувонч бағишлади.

Бир-биридан гўзал рақслар, куй-қўшиқлар томошабинларни хушнуд этиб, байрамга ўзгача файз киритди. Мазкур тантаналарда ўзбек мумтоз рақсларини намойиш этган "Тошкент зеболари" рақс гуруҳи ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Гуруҳ раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Карима Узоқова. У Ўзбекистон халқ артистлари Розия Каримова ва Қундуз Миркаримовларнинг муносиб вориси, узоқ йиллар Ўзбекистон давлат филармониясида етакчи рақоса бўлиб хизмат қилган. Устоз бугун рақс сирларини ёш рақосаларга қунт билан ўргатмоқда.

— Бу йил "Наврўз" байрамида илк бор қатнашган гуруҳимиз Ҳабиба Охунова, Муножот Йўлчиева, Маъмуржон Узоқовларнинг ашулаларига рақслар ижро этдилар, — дейди у биз билан суҳбатда. — Гуруҳимиздаги бир-биридан гўзал ўн икки нафар рақоса ўзбек ва чет эл халқларининг рақсларини маҳорат билан ижро этадилар.

— Кейинги пайтларда ўзбек рақс санъати 80-90 йиллардагидек довруғ қозонмаяпти. Сиз ўз даврида машҳур рақоса бўлгансиз. Айтингчи, халқ меҳрига сазовор бўлиш учун рақоса қандай фазилатга эга бўлиши керак?

— Рақс санъати жуда кўп меҳнатни талаб этади. Бир рақсни ўзлаштириш учун ҳафта, ойлар кетади. Хоразм, Бухоро, Фарғона рақс мактабларининг услубларини бир-бирига аралаштирмаслик керак. Миллий рақсларимизни ёшларга чуқур ўргатиб бориш лозим.

Саҳнада хиром айлаётган рақоса маҳоратли бўлиши билан бирга одобли ҳам бўлиши керак. Агар у ўйламай ҳаракат қилса рақс эмас, жисмоний тарбия бўлиб қолади. Ўйлаб, нафосат билан ижро этилган рақс гўзал чиқади.

Миллий санъатимизни рақссиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, ўзбек рақси гуллаб-яшнашига, бундан буён ҳам миллионлаб қалбларга эзгулик бағишлашига ишонаман, — дейди суҳбатдошимиз ишонч билан.

**САРВАРА**

# ЕТТИ КУНЛИК САФАР

## Миср фолклор гуруҳи Тошкентда

Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ҳукуматларининг маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимига мувофиқ, юртимизга дўст мамлакатнинг «Вади ал-жадид» (Янги водий) миллий-фолклор гуруҳи келди. Ижодий гастролни Миср маданият маркази Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирган.

«Вади ал-жадид» гуруҳи 1980 йили Мисрнинг Алвади ал-жадид вилояти ҳокимлиги ҳузурида, мамлакат маданият вазирлиги системасида ташкил топган. Мисрда қирқдан зиёд вилоят мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ўз фолклор гуруҳи бор.

Таркибида моҳир созанда ва рақоса-лар фаолият кўрсатаётган жамоани хорижда, жумладан, АҚШ, Франция, Испания, Туркия ва барча араб давлатларида яхши билишади. Гуруҳ бир неча бор Халқаро фестивал ва танловларда иштирок этиб, совриндор бўлган. Унинг репертуарини Алвади ал-жадид вилояти маданияти ва урф-одатларининг, қадриятларининг ўзига хос кўзгуси дейиш мумкин.

— Биз Ўзбекистонни кўпроқ қадимий Самарқандда бир неча йилдан бери муваффақиятли ўтиб келаётган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида фаол иштирок этаётган ватандошларимиз, устозларимизнинг ҳикоялари орқалигина билардик ва бу ерга ижодий сафар билан келишни орзу қилиб юрардик, — дейди гуруҳ раҳбари Муҳаммад Али Ҳасан ан-Нажжор. — Ўзбекистонни томоша қилиш, дастуримизни намойиш этиш баробарида, бу ердаги ҳамкасбларимиз билан яқиндан танишамиз, ижодий ва маданий алоқалар тўғрисида фикр алмашамиз. Репертуаримиз ҳақида ўзбекистонлик дўстларимизнинг мулоҳазаларини эшитсак, Тошкент ижодий жамоаларининг маҳоратини кузатишга муяссар бўлсак, янада муҳимроғи, ижодий гастролимиз икки юрт халқлари ўртасидаги дўстликка, маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилса, ўзимизни омадли ҳис этардик.

Миср фолклор гуруҳининг ижодий сафари етти кунга мўлжалланган бўлиб, концертлар асосан Тошкент олий ўқув юртларининг томоша залларида намойиш этилади.

**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати**

# ҲАМКОРЛИК ДАВР ТАЛАБИ

Республика Киночилар уйида кино арболари ва журналистлар иштирокида 2005 йили суратга олинган бадиий ва ҳужжатли филмларнинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Ўзбеккино миллий агентлигининг раиси Аъзам Исҳоқов давлат ва хусусий киностудияларда суратга олинган филмларнинг савияси ва томошавийлиги, соҳа муаммолари ҳақида фикр юритиш билан бирга, жорий йилда кўзланган тадбирлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берди.

Маълумотларга қараганда, «Ўзбеккино» ижодкорлари суратга олган филмлар йил давомида 88 минг томошабинга намойиш этилган бўлса, хусусий киностудияларнинг маҳсулотларини 179 минг, хориж филмларини эса (асосан ҳинд филмлари) 343 минг киши кўрган. Албатта, бу кўрсаткичлар филмлар савиясини белгиламайди. Лекин томошабинларни бугунги ҳаётимизга, миллий менталитетимизга мос филмларга кўпроқ талаб этиш борасида маълум муаммолар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Май ойининг охирида хусусий студиялар суратга олган филмлар фестивалини ўтказиш кўзда тутиляпти. Мақсад хусусий студиялар билан давлат студиялари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйишдир. Чунки амалда «Ўзбеккино» режиссёрлари ва драматурглари нодавлат студиялар билан ҳамкорликда ҳам ишлашяпти. Кино санъатимизнинг оғриқли нуқталаридан бўлган мультфильмларни суратга олиш ишларига хусусий киностудияларни ҳам жалб этиш даркорлиги айтиб ўтилди.

Шу йилнинг 2 — 7 май кунлари мамлакатимизда Марказий Осиё давлатларининг иккинчи ёшлар «Ижодий парвоз» кинофестивали бўлиб ўтади. Тадбирдан кўзланган мақсад Марказий Осиё ёш кинематографчилари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшлар маҳоратини намоён этишга имкон яратиб, уларнинг келгусидаги ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Россия, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Япония ва бошқа давлатларнинг ёш режиссёрлари ўз асарлари билан фестивалда меҳмон сифатида қатнашадилар.

Муҳокамада сўзга чиққан таниқли режиссёр Мэлс Абзалов шундай деди: «Мен мутахассис эмас, балки оддий бир томошабин сифатида ўз таассуротларимни айтмоқчиман. Бадиий филмлар мени таъсирлантиролмади. Лекин ҳужжатли филмларни кўрганимда, айниқса Шуҳрат Маҳмудов ва Аҳрор Акбарҳўжаевнинг асарларида кўзимда ёш айланди, қаттиқ таъсирландим. Бундай асарларни албатта томошабинга кўрсатиш керак. Томошабинларни ҳужжатли асарларни кўришга ҳам ўргатиш лозим.»



Анжуманда киношунослар Саодат Хўжаева, Ханжара Абулқосимова, Ҳамидулла Акбаров, режиссёрлар Жаҳонгир Қосимов, Исамат Эргашев ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

Анжуман сўнгида киноарбоблар бирлашмасининг янги аъзоларига гувоҳномалар топширилди.

**Ўз ахборатимиз**

***Бурун бўлиб — бурунмас, яқин бўлиб — кўринмас замонда, Қашқадарёнинг белида, Деҳқонобод элида Қодирбахши деган бир бахши яшаб ўтди. Қодирбахшидан Абдуқаҳҳор, Абдумурод, Баҳром деган уч ўғил қолди. Қодирбахши бахшиларнинг бахшиси эди, бахшиларнинг яхшиси эди. Саксон достон билгич эди, тинглаганни сел-селоб қилгич эди. Кейинчалик Қодирбахшининг дўмбираси Абдуқаҳҳорга ўтди. Уч ўғил ҳам бахши бўлди. «Учовинг ҳам яхшисан, аммо учовинг қўшилиб, битта Қодирбахшисан», деди эл. Эл дегани билиб гапиради, тош-тарозисини илиб гапиради: «Қодирбахшининг кўп достон билиши Абдуқаҳҳорга, соз чертиши Абдумуродга, овозининг жарангдорлиги Баҳромга кўчган» .***

# БАХШИЛИ ЭЛ – ЯХШИЛИ ЭЛ

Бахши «Алпомиш»ни қанча куйлаши мумкин? — деб отамдан сўрадим бир куни, — дейди Абдуқаҳҳор.

— Эргаш Жуманбулбуллар уч ойлаб айтишган. Мен уч кун айтаман. Сўз бойлиги кам бахши уч соатда ҳам тугатиб қўйиши мумкин, — деди отам...

— Эътибор беринг, агар лоақал «Гўрўғли» туркумига кирган достонларни ўзбек халқи ҳаёти, турмуши, орзу-умидларини, ахлоқий-эстетик, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини, унинг қаҳрамонона ўтмишини кенг кўламда тасвирловчи асарлар сифатида бир жилд остига тўпланса, қарийб бир миллионга яқин насрий ва шеърий сатрлардан иборат буюк бир эпопея пайдо бўлар ва у халқимизнинг беқиёс ижодий салоҳиятини янада ёрқинроқ намоён этар эди, — дейди филология фанлари доктори, пофессор Тўра Мирзаев. — Истиқлол туфайли фолклоршунослигимизда ҳам янги уфқлар очилди. Ўнлаб достонлар китоб ҳолида нашр этилди. Мамлакатимизда 1999 йили аждодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги — «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Халқимиз азалдан ўз қалби, ўз томирида мавжуд бўлган буюк қудратга муносиб бўлмоққа интилиб яшади. Ўғлонларини жўмард қилиб тарбиялади ва уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида достонлар битди. Бу борада бахши-шоирларнинг алоҳида хизмати бор.

Давлатимиз раҳбари «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида минг йиллар давомида бу достонни куйлаб, гавҳардек асраб-авайлаб, бойитиб келган юзлаб халқ бахшиларининг номларини маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйиш лозимлигини айтган. Орадан бир йил ўтиб, 2000 йилнинг 14 март куни Президентимиз Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис этилди. Ўтган беш йил давомида қашқадарёлик Шомурод Тоғаев, Абдуқаҳҳор Раҳимов, хоразмлик Қаҳҳор Норматов, сурхондарёлик Абдуназар Поёнов, Бобараим Маматмуродов, самарқандлик Зиёдулла Исломов сингари бахшилар халқимизнинг эътирофи ва давлатимизнинг ушбу юксак унвонига сазовор бўлишди.

Дарҳақиқат, достонлар — миллатимиз қалбидан қўйилиб оққан шеърият булоғидир. Асрлар оша тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб келаётган ушбу достонлар халқимиз тарихининг, миллий урф-одат ва анъаналарининг, орзу-истакларининг афсоналар қобиғига ўралган ўзига хос бадиий ифодасидир.

Шу маънода, XIX — XX асрларда яшаб ўтган Жолмон бахши, Бўрон шоир, Жассоқ бахши, Суяв бахши каби боболаримиз куйлаб келган достонларнинг қадимий илдизлари аждодларимизнинг афсона ва ривоятларига бориб тақалсада, ўз даврида халқимизни жипслаштиришга, унинг маънавий камолотига хизмат қилганини айтиб ўтиш жоиз. Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Берди бахши, Бола бахши каби бахшилар эса уларнинг анъаналарини давом эттириш баробарида замон билан ҳамнафас термалар, янги достонлар ҳам яратди. Бугун ўзбек фолклоршунослари томонидан Булунғур, Нарпай, Қўрғон, Хоразм, Шаҳрисабз, Шеробод достончилик мактаблари алоҳида ўрганилмоқда. Ижро услубига кўра мазкур ҳудудий гуруҳлар яна уч катта мактабга бўлинади:

Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ижрочилик мактаби. Бу — бадиҳагўйлик асосига қурилган услуб бўлиб, ушбу мактаб вакиллари бахши-шоирлар деб аталади. Чунки улар ҳар сафар ўзлари тўқиган байтлар билан ижрони бойитиб боришади. Жуда ривожланган ва кенг тарқалган ушбу ижрочилик мактаби оҳанглари ўттиздан ортиқ нағмага солиб куйланади.

Хоразм ижрочилик мактаби. У сўзмасўз ёдланган ва муайян бир куйга солинган достонлари билан фарқланади. Хоразм достонларини нотага олса ҳам бўлади ва улар халфалар томонидан куйланади.

Фарғона ижрочилик мактаби. Фарғона водийсига қарашли ҳудудларда достонлар ҳикоягўйлик услубида айтилади.

Бугун Ўзбекистонда саксондан ортиқ таниқли бахши ижод қилмоқда. Улар сафига ёш бахшиларнинг қўшилаётгани ва ёшлар ижроси турли танловларда устоз бахшилар эътирофига сазовор бўлаётгани ушбу санъатнинг ривожланаётганидан далолатдир. Таниқли бахшилар ижросидаги ўзбек халқ достонлари ва уларга битилган шарҳлар доимий равишда радио орқали эфирга узатиб борилади. Бугун ўзбекнинг катта тўйлари, байрамлари бахши-шоирлар, оқинлар иштирокисиз ўтмайди. Фолклоршунослар бахшини бир актёр театрига менгзашади. Дўмбиралар тилга кириб, овоз созга, соз овозга уланганида тингловчининг кўз ўнгида куйланаётган воқеалар худди кино тасмасидаги каби жонланади. Мовий осмон, бепоён кенгликлар, шовуллаётган дарахтлар, қушлар чуғури қалбингизга олам-олам завқу шавқ бахш этади...

**Воҳид ЛУҚМОН**

# ТАФАККУР КАРВОНЛАРИНИНГ САРБОНИ

*Газета ва газетхон*

Ватанимиздаги маънавий-маърифий муҳитни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу матбуот нашрининг юзлаб газета-журналлар ўртасида ўзига хос ўрни бор. Шундай муштарийлар борки, шароитлари кўтарса, ўнлаб газеталар ичра биринчи навбатда «ЎзАС»га, иқтисодлари кўтармаса, лоақал биргина «ЎзАС»га обуна бўладилар. Мен ҳам шулар қаторидаман. Бу газетани ўқимасдан/ туролмайман. Чунки у илмий, маданий ҳаётнинг, бу борадаги савия ва даражанинг кўзгуси. Бордию «ЎзАС»нинг бир-икки сонини ўқиёлмай қолсам, ўзимни ҳаётдан орқада қолгандек, оламдан бехабардек сезаман.

«ЎзАС» ҳозиржавоблиги, мазмун-мундарижасининг бойлиги, савиясининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. У ҳамиша ижтимоий-маданий ҳаётнинг долзарб муаммоларини биринчилардан бўлиб, жасорат билан кўтариб чиқади, уларнинг умуммиллий ва умуммамлакат миқёсидаги муҳокамаси марказида туради. Тафаккур баҳслари ҳамда изчил танқидий, таҳлилий қурашларини муаммонинг ечими топилмагунича тўхтатмайди. Бу — «ЎзАС»нинг ўз йўли, ўз нуқтаи назари, қатъияти, кенг ва чуқур, узоқни кўра олувчи тафаккурмушоҳада салоҳияти, мустақил мавқеи, саботли, субутли, матонатли фикрий муҳораба қобилияти борлигидан дарак беради. Бизга шундай илмий, адабий, маънавий, маърифий, мафкуравий минбар жуда-жуда муҳимдир.

Матбуот нашри мавқеининг юксаклиги таҳририят ходимлари бадиий дидининг нозиклиги, илмий-назарий савиясининг юқорилиги, таҳрир санъатининг етуклиги, саводхонлик даражаси билан белгиланади. «ЎзАС»нинг обрў қозониши ва ўқишли чиқишида унинг таҳририятида ишлаган ҳамда ишлаётган муҳаррирларнинг нуктасанжлик қобилияти ва таҳрир маҳорати алоҳида аҳамиятга эга. Газетада ишлаб кетганлардан Иброҳим Ғафуров, Ашурали Жўраев, Ёқубжон Хўжамбердиев, Абдунаби Ҳайдаров, Беккул Эгамқулов, ҳозир ишлаётганлардан Маҳмуд Саъдий, Аҳмад Отабоев, Гулчеҳра Умарова, Асрор Сулаймонов, ёшлардан Иқбол Қўшшаеванинг фаолияти таҳсинга сазовор деб ўйлайман. Ҳозиржавоблиқда, жонқуяр ва фидойиликда, жасур ва ташаббускор, ижтимоий салмоқдор мақолалар билан чиқишда «ЎзАС»нинг муносиб мавқеини, сифат ва савия барқарорлигини сақлаб келишда газета бош муҳаррири ижодий фаолиятини ибрат, намуна сифатида баҳоласам, муболаға бўлмас. Айниқса, унинг кейинги яримйилликда «Муҳаррир минбари» туркумида чоп этилган мақолалари юқоридаги гап қуруқ тавсиф эмас, балки рад этиб бўлмас ҳақиқат эканлигининг яққол далилидир.

«ЎзАС» менинг ижодий тақдиримда ҳам муҳим ўрин тутади. У менинг учун, аввало, илҳомчи манба, мен муттасил озиқланиб борадиган маънавий захирадир. Қолаверса, бир маҳаллар мен учун ушбу мўътабар минбар орқали бирорта мақола эълон қилиш орзу ва армон эди. Бугунда илмий-ижодий изланишларим натижаларининг асосий катта қисми унинг саҳифалари орқали халққа етиб бораётгани туфайли «ЎзАС»дан беҳад миннатдорман.

Севимли газетам «ЎзАС»га истакларим шулардан иборатки, у фаолликда, халқчилликда, сифат, савия ва саводхонлик юксаклигида ҳамиша олий мартабада турсин. Кейинги йилларда муҳаррирлар давра суҳбатлари, баҳс-мунозара, «Бир асар ҳақида икки фикр» каби турли рукнлар воситасида илмий-адабий жараённи жонлантиришга ҳаракат қиладилар. Лекин танқид ва адабиётшунослик жамоатчилиги бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга ожизлик қилмоқда. Истардимки, таҳририят бундай ташаббуслардан толмаса, давра суҳбатлари иштирокчилари сафини янгилаб, кенгайтириб борса. «ЎзАС»нинг ўқишлилик даражаси шу қадар кўтарилсаки, унда муштарийни қизиқтирмайдиган, ўқимаса ҳам бўладиган бирорта мақола босилмаса. Агар илғор газеталаримизни тафаккур карвонларига қиёсласак, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» уларнинг етакчиси — тафаккур карвонларининг сарбони бўлиб юрсин.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори**

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

# Баҳор боғларида гулнинг гулоби

## БИЗ КУТГАН БАҲОР

Орзиқиб қутганим қўкламим келди,
Кимни соғинтирмас, айтинг бу баҳор.
Мен сизни, ўзимни қутлагим келди,
Ҳам тилда, ҳам дилда айтайлик такрор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Бол сўрар баҳордан боғи бор одам,
Ошиқдир дилида оҳи бор одам,
Паст кетмас кўксида тоғи бор одам,
Куртаклар қулгуси топмасин озор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Жомларга сиғмайди шодлик шароби,
Баҳор қўлларида гулнинг гулоби,
Хуш келдинг бошларга ором офтоби,
Қайси остонага ярашмас гулзор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Ҳар майса Худонинг ерга саломи,
Қайттан қалдирғочлар кўклам каломи,
Яшашга чорлайди яхшилар номи,
Хуш ният хуш ёқар айтсанг ҳам юз бор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

## АЗИЗИМ

Бу дунёга азизим, йиғлагани келмадик,
Тўмтоқ тиғда жонларни тиғлагани келмадик.
Қултум сув, бурда нонни беминнат тошганлар кўп,
Бизга қайрилмас бахтни қувлагани келмадик.

Борга боққан бу дунё, йўқни йўқлаб қўймайди,
Йўқ сабрга тўяди, бор тўқликка тўймайди.
Бир бошингта теккани минг битта тош топилур,
Аммо меҳр болишин ҳар кимса ҳам қўймайди.

Қоқилмаган йигитга хари хасдек кўринур,
Қўли узун одамга осмон пастдек кўринур.
Вале, билмас пойида ўлган қовоқ арини,
Чумолижон инига ташиш учун суринур.

Деманг менинг сўзимда шикоят шамоли бор,
Ҳақиқат хитобида тафаккур камоли бор.
Ким агар Ҳақни таниб ибодат қилар бўлса,
Дилининг туб-тубида Оллоҳнинг жамоли бор.

Оқаётган чашманинг олдида одам бўлур,
Чашма кўзин ёпсалар майсага мотам бўлур.
Ҳар ғазалхон кўнглига битта гул эксанг, Маҳмуд,
Қиш қамчилаб турса ҳам дилингда кўклам бўлур.

## ҲОФИЗ

*Отажон Худойшукуров хотирасига*

Амударё оқинини соғинур,
Қорақалпоқ чақинини соғинур,
Ёди олов ёлқинини соғинур,
Қайтмас бўлиб кеттанмидинг, Отажон,
Айтмас бўлиб кеттанмидинг, Отажон.

«Сегоҳ»ини сизлаб айттан ҳофизим,
«Суввора»син бўзлаб айттан ҳофизим,
Тупроғида тизлаб айттан ҳофизим,
Оташ нафас, оташмидинг, Отажон,
Қўш соҳилда яккашмидинг, Отажон.

Ҳожихоннинг дуолари ёр бўлган,
Комилжоннинг дил тўрида бор бўлган,
Ташрифига туркий эллар зор бўлган,
Бир кўрганга армон бўлган, Отажон,
Ўлган деманг, ёлғон ўлган, Отажон.

Мақомларни маромига етказган,
Тинглаганни оромига етказган,
Селлар қилиб бахт жомини тутқазган,
Ишқ боғида булбулзабон, Отажон,
Кул қилгунча қуйдирма жон, Отажон.

Бўстонингда бош қўйганинг ноладир,
Элликқалъа элин кўзи жоладир,
Бу не қўшиқ, неча диллар воладир,
Соғинганлар кўз ёши сел, Отажон,
Сен йўқсан-ку, сен билан эл, Отажон.

Қўшиқ асли қўри бор бир наводир,
Эл ичида жўри бор бир наводир,
Ноёб овоз бу атойи Худодир,
Худо хушлаб ҳофиз бўлган, Отажон,
Ким айтади, қандоқ ўлган Отажон!

## ЁНИНГДА ЮРГАНЛАР

Кўксингни кўтарсанг қўролмаганлар,
Чўксанг ҳолингни бир сўролмаганлар,
Бир нафас тош отиб туролмаганлар,
Ёнингда юрсалар ёмон бўларкан,
Сийрат сил, сувратинг сомон бўларкан.

Гул тутиб хазонлиғ истаб турганлар,
Юзи ёниб, дили тутаб турганлар,
Ғаразин яшириб хандон урганлар,
Ёнингда юрсалар ғалат бўларкан,
Виждонинг олдида уят бўларкан.

Қадринг қўрғонида даврон сурганлар,
Меҳринг булоғига қониб юрганлар,
Бир қадам ўтмайин тониб юрганлар,
Ёнингда юрсалар қандоқ бўларкан,
Маҳмуд, бил, ўлгунча сабоқ бўларкан.

## ЭЛЛИККАЛЪА

*Неъматилла акага*

Ҳар қарич ерида боболар хоки,
Тиз чўксанг сўкилар кўнгилнинг чоки,
Кўзимнинг қораси, кўзимнинг оқи,
Тупроғин туз дема, тиллодан сара,
Бу Элликқалъадир, бу Элликқалъа.

Ҳар битта қалъаси ҳикмат меҳроби,
Унда порлаб ётар руҳлар офтоби,
Ватанга муҳаббат биттан китоби,
Сен фақат кўнгилнинг кўзиман қара,
Бу Элликқалъадир, бу Элликқалъа.

Бу не хароба деб қилмагин таъна,
Бу Тупроққалъадир, бу Аёз қалъа,
Қирққиз қалъасига жонинг қил пана,
Ҳам яна зулфини сен нурда тара,
Бу Элликқалъадир, бу Элликқалъа.

Таърифи минг достон сатрига сиғмас,
Насими баҳорнинг атрига сиғмас,
Амуни кўрмаган мени ҳеч уқмас,
Шунчаки мақтовдан баланд минг карра,
Бу Элликқалъадир, бу Элликқалъа.

Шимол шамолида «Бўстон» яратган,
Демангиз жаннатни осон яратган,
Аслида бу халқни армон яратган,
Қўлингдан келса ғар кунига яра,
Бу Элликқалъадир, бу Элликқалъа.

Отажон ҳофизи шонини туттан,
Муҳаммад Юсуф ҳам жонини туттан,
Меҳмонига тузу нонини туттан,
Улуғ Қорақалпоқ кўзиман, қара,
Бу Элликқалъадир, бу Элликқалъа.

## ҒАНИМ

Кўкардим, кўрмадинг босиб ўтдинг сен,
Қуёшга юз тутсам тўсиб ўтдинг сен,
Қаҳрингдан дор ясаб осиб ўтдинг сен,
Гулга умр берса сўлдиролмайсан,
Оллоҳ жон олмаса ўлдиролмайсан.

Элнинг эъзозидан баландроқ тоғ йўқ,
Меҳр қўрғонидан гўзалроқ боғ йўқ,
Оқибат юзидан ёруғ чироқ йўқ,
Минг йил яша йўқни йўндиролмайсан,
Бу дунё камини тўлдиролмайсан.

Қуймаган кўнгилда ўт ёқиб бўлмас,
Ниятинг нохушдир тик боқиб бўлмас,
Чоҳни чамаласанг хуш оқиб бўлмас,
Ситамла сабримни синдиролмайсан,
Сойнинг суронини тиндиролмайсан.

Булбул дилим қафасларга сиғмаган,
Онам мени қул қилиб ҳам туғмаган,
Мендан нари юрсин мени уқмаган,
Менга чирмандангни чалдиролмайсан,
Оллоҳ жон олмаса ўлдиролмайсан.

## ЧЕЧА

*Халқ оҳангида*

Чеча—чеча, чеча-ёв,
Не бўлар бу кеча-ёв?

Чимилдиққа чорлайсиз,
Табассумдан порлайсиз.

Келин нега сузилар,
Менинг ичим узилар.

Юрагимда от чопар,
Қочиб кетса ким топар.

Чеча—чеча, чеча-ёв,
Не бўлар бу кеча-ёв?

Бунча хандон отасиз,
Дилга тошдек ботасиз.

Йўлимдан нари қочинг,
Келин юзин сал очинг.

Юзи ойдеккинами,
Сўзи мойдеккинами.

Чеча—чеча, чеча-ёв,
Не бўлар бу кеча-ёв?

Қувончим қувиб келар,
Жисмимда чақмоқ елар.

Ёстиғим ёнса керак,
Вах, кимга олов керак.

Сўзимга сиғмай қолдим,
Ўзимга сиғмай қолдим.

Чеча—чеча, чеча-ёв,
Не бўлар бу кеча-ёв?

Худойимга шукрим бор,
Бўлди менга ўзи ёр.

Қўйнимдаги дилдорим,
Қайтиб кетмас баҳорим.

Қулоғига шивирлай,
Жонида бир жимирлай.

Чеча—чеча, чеча-ёв,
Не бўлар бу кеча-ёв?

*Навбаҳорнинг инъомидир сумалак,*
*Ўттиз малак таомидир сумалак.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

# БОЛА, БОЛАЖОН...

Эътибор ОХУНОВА

Сен дунёга келдинг. Қачонлардир куйлаганим, унут бўлаёзган аллалар дунёга келдилар яна. Уйимиз кенг жаҳонга айлангандай, турфа гўзал қушиқларга тўлди. Уйимиз остонасидан қутлуғ қадамлар аримай қолди. Туни билан чироқ ўчмайди хонамизда. Нур, сурур, ғурур ҳам шунда. Туннинг нур қанотларидан қушиқ ёғилади.

Қачонлардир уйнинг томига чиқариб қўйилган осма беланчак яна уй тўрида. У оддий ёғоч эмас энди, ардоқли бир нарса яна. У яна оппоқ елканга айланди. Полапонни бағрига олиб елпинади у, тебранади. «Мен ҳаёт беланчагиман», — деб қўшиқ айтаётгандай бўлади. Менинг бағримга яширинган гўдак меҳри бир ишқ бўлиб туғилади яна. Гўдак ... оппоқ шуҳалардан чойшаблар тикаман сенга атаб. Тўлин ой фонусини беланчагинг бошига ёқиб қўяман. Қошингда юлдузлардай бедор-бедор тонглар оттираман. Гўдаккинам, қушларнинг, булбулларнинг баётидан ўланлар, аллалар тўқийман сенга. Мен сен туғилган онданоқ мусаввирга айланганим рост. Мен сенда қоинотнинг бор гўзаллигларини кўргим, чизгим келади.

Сен туғилган дақиқада тоғлардан аксадолар эшитдим. Қоялар бошида ой қамари соқчилик қилганини кўрдим. Оҳулар тин олмас, безовта эдилар. Бирдан қоялар бошида чақин чақди, қоялар гулдиради. Коинот бир дақиқа ичида ёришиб, мунаввар бўлиб кетди. Бу чоғ сен дунёга келган эдинг ўғлоним!

Тоғлардан арчалар кесиб келтирибдилар. Сенга тойчоқ, сенга бешик бўлсин деб. Бувилар ёғлиқ кулчалар ёпдилар, болакайларга улашдик. Ўғлонимиз улар сафида бўлсин деб.

Гўдаккинам, сен ҳатто қўшнилар уйига ҳам севинч улашдинг, севинч!

Мен сенга атаб оппоқ шуҳалардан чойшаблар тикдим. Ўзим эсам шу кундан бошлаб фидойи жонингга айландим. Туни билан бошингда биз соқчилик қиламиз. Бири — мен она, бири — ўғилга ташна дунё. Бири — инсонпарвар замона.

## АЛЛА

Дунё она алласидан бошланади дейишади. Бўлса бордир. Алла дунёдаги бор гўзалликларга дея. Алла билан эзгулик сингади гўдакнинг сийнасига.

Осмонда ой туғилади. Коинот уни чойшабига ўраб олади. Сўнг кўчаларни ҳам нурга чаяди. Сўнг коинот нурдан арғимчоқ ясайди. Гўдаккинасига аллалар тўқийди. Секин-аста ой тўлишади. Коинот унга нурларидан тулпор ясаб беради. Коинот алла қўшиғини оналарга ҳадя этади. Қўшни боғда алла куйланяпти. Аста деворлардан қарайман. Энтикиб оламан. Гўдак лабларида тонгдай кулгулар билан ухлаб ётибди. Олам ҳам кўксида жаҳондай туйғулар билан она алласини тинглаяпти.

Бешик тебранмоқда. Дунё тебраниб турибди она қўлларида.

У салтанат ичидаги балки бир ишқ, балки бир талантдир. Нур ичра, сурур ичра бир олтин кошона тебранарди. Она алла айтарди, ухлатарди «подшони!» Девор оша термуламан. Гўдакни ардоқлагувчи оқани танийман. У бахт бекаси. Бешикда ётган гўдак эмас, қуёш эди наздимда. Парқуда пишиллаб ётган гўдак эмас, абадий бир ёшлик эди аслида.

## СЕН ТОНГНИ УЙҒОТДИНГ

Болажон, илк бора жилмайдинг. Сен жилмайганда олам ёришиб кетди. Ҳа, болажон, сен тонгни уйғотдинг, биргина табассуминг билан. Биргина кулишларингдан олам ёришди. Сен улғайсанг-чи! Ҳа оналар дунё алп қадам бўлсин деб ўғилни яратадилар асли. Замонада ғурур ғолиб бўлсин деб ўғил ўстирадилар оналар. Шодликларнинг поёни бўлмасин, деб ардоқлайдилар уни. Агар ўғил ўсса, улғайса тоғлар улғаяр эмиш. Агар ўғил нобуд бўлса-чи, дунё сирқирар эмиш.

Болажон, сен табассум қилдинг. Мен мунаввар оламга боқиб кўп нарсаларни эсладим. Она ўғлига алла айтади, замонни дуолар айлайди, осудаликни алқайди. Лекин уруш деган дард бор бу дунёда. У одамсиз, гўдаксиз бўшлиқни севади, аллани — қўшиқни эса... Нега дерсан. Кўксида рашк яшайди унинг одамзодга, муҳаббатга, меҳрга. Билсанг, болажон, оналарнинг юраги — қалъа сени беркитади. Ишқи — сармоя, сени асрайди. Уруш бешикни парчалайди, янчади. Лекин аллани чопиб бўлмайди, она зоти бешиксиз ҳам куйлайверади аллани.

## ЮР, ДЕДИЛАР ОҲУЛАР

Гўдаккинам, сени мен олма шохига беланчак ясаб осиб тебратардим. Дунё ҳам улғайди, сен ҳам. Олмалар гуллар эдилар, мен меҳримнинг ҳосилини — сени улғай, деб аллаладим. Мева шохлари ҳосилдан ларзон бўлдилар. Мен сени меҳрим билан оёққа турғиздим. Мевалар ғарқ пишдилар. Сен тетапоя бўлдинг. Боғ, мева шохлари ҳосилдан бўшадилар. Сен ҳам боғлар оралаб акаларинг билан кезиб юрардинг.

Тонг чоғи сени изладим. Қайда эдинг-а? Ҳузуримга оҳулар келдилар. Юр, дедилар оҳулар, ўғлонинг тоғлардадир. Йўқ, дедим, ўғлонимни топайин, у боғлардадир. Юр, дедилар соҳиллар, тўлқинларни томоша айла бир зум. Йўқ, дедим ўғлоним кутиб қолади. Юрақол, дедилар сарбаланд учиб юрган ҳумо қушлари. Парвозларимизни кўриб завқлан. Йўқ, дедим, болаларим боғ оралаб юришибди, топишим керак. Юр, дедилар хаёллар, коинотни кезамиз, илҳомлар олиб қайтасан. Йўқ, дедим. Икки оламнинг илҳом, қўшиқларини болаларим ҳадя этадилар менга. Юр биз билан дедилар шамоллар, ғунчаларни уйқудан уйғотамиз. Тегирмонларни ҳаракатга солиб қайтамиз. Йўқ, дедим-у, юракларим увишди. Ғунчаларим уйқудан уйғонган, уларни топаман. Шамоллардай елиб, боғ ораладим, болаларимни изладим. Болаларим йўқ. Ўйинқароқ болаларим — ўйинқароқ шамоллар билан дайдиб, қўшни боғлар оралаб кетишибди.

## МЕН КУЯРМАН БОЛАМГА...

Невара келин бувиси олдига қаймоқ келтирди. Хайри буви эрталабки нонушта пайтида қаймоқ ялаб ўтириб, бир ўқчиб олди.

— Ҳах, ўзим ҳам илиниб турувдим, томоғимдан ўтмади-я, чақира қолай боламни. Қосимжон, Қосимжоо-н, қоқиндиқ келақол, қаймоқмисан, қаймоғакан ўзиям.

Ичкаридан етмиш ёшлар чамаси чол чиқиб келди. Баркашдай келадиган сомовий тусга кирди. Токнинг қайчи теккан танасидан чакиллаб шарбат томди.

Дала қирлар тонгни олқишлайди. Маржнунтол қизларга қирқ кокил улашади. Сувлар тўлқинларни туғади, қирғоқларга сиғмай шодиёна чопади. Олчалар она замин бошидан сонсиз кумуш тангалар сочади, она заминни қутлайди.

Баҳор бекач мўйқаламини ушлаб энди ўрмонларга ошиқади. У эман дарахти қошида туриб қолади. Не қилсин? У гул очилгунча яшайди. Гул очилгач, умри тугайди. Баҳор дарахт қошида узоқ туриб қолади. Ифорини сепсинми? Баҳр бошқа бир дарахт атрофида парвона. Унга ҳам гул ҳадя қилиб ўтиб кетади. Шунда эман фарёд кўтаради, шамолларга роз айтади, юлқиниб баҳор кетидан ёлворади. «Сўнмоққа ҳам розиман, фақат гуллатиб кет мени ҳам». Ёл унинг япроқларини силайди, шаббодалар елпийди уни. Эман ҳамон: «Гул», дея зорланади. Ҳар тонгдан у илтижо қилади, ҳар баҳорда гул кутади у. Лекин унинг яшноқ умрини гуллар келиб хазон этишини билмайди. Гул очилиши унинг ҳалок бўлар кунлари эканини билмайди. У ҳар йили шу гуллар учун япроқ ёзади, барг чиқаради. Йиллар бўйи кутади. Қиш-қировлар шиддатини сингдириб, гул кутади. Ёзлар ўтади. Пуштиранг гуллар қачон очилади? Шу гуллар билан илдизидан ҳаёт суви қуришини билмайди...

Боғ кезиб юрардим. Гуллар, пуштиранг гулларга ғарқ бўлган эманнинг мағрур қад кериб турганини кўрдим. Дарахтнинг бу бўйбасти қомати, қийғос гулга ғарқ фаровон фасли унинг заволи ҳақидаги хавотирли ўйларимни

## Беланчак қошидаги ўйлар

пол косада тўла қаймоқ дастурхонда турарди. Иссиқ, бўрсилдоқ нонларнинг ҳиди димоғни қитиқлади.

— Онажон, Шерзодни чақира қолай, а?

— Ўзинг биласан, ўғлинг ухлаб ётибди ҳали. Ишдан кеч келувди.

— Майли, ёш нарса, пешинда ухлаб олаверади-да.

— Ўзинг биласан, қоқиндиқ.

Қосимжон ота ҳув тўридаги пеш айвонли уйга қараб овоз қилди:

— Шерзоо-од, ўғлим! Келақол. Бирга чой ичайлик, мундоқ.

Шерзод деразадан мўралади. Тандир бошида иссиқ нонларни саватга тахлаётган хотинига, дастурхон атрофида ўтирган бувиси, отасига кўзи тушди. Дастурхонда тоифий, чарос узумлари товланиб турибди. Шерзод зум ўтмай ўғлини кўтариб чиқди.

— Бувижон, ассалом — алайкум, чеварангизниям уйғотиб чиқдим-да. Қаймоқ яласин, дедим-да.

— Хўб қилибсан-да, — деди бувиси, ўзи эса қаймоқни етти пиёлага бўлиб, етти ўғил-қизининг олдига қўйди. Етти ўғил-қизи эса пиёладаги қаймоқни етти тақсимчага бўлиб, болаларнинг олдига қўйишди. Пирибадавлат Хайри-буви жилмайиб:

— Мен куярман боламга, болам эса... боласига, — деди.

Оламнинг мангулиги шу-да!

## ГУЛЛАШ ФАСЛИ...

Хира туман баҳор қуёшига тоб беролмай пароканда бўлиб кетди. Осмон тиниқлашди. Она ер ялпизларини митти япроқчаларга йўргаклади. Боғ тўридаги бир туп терак танасига сув югуриб, тумандай тарқатиб юборди. Ҳаммага, дарахтга ҳам, инсонга ҳам гуллаш фаслини ато этган табиатга ҳам таъзим!

## КЕЛИНЧАК

Боғда бир келинчак айланиб юрибди. Нигоҳи баланд шохлардаги довуччага қадалди. У умид, нажот кўзлари билан дарахтга термуларди. Келинчак жонҳалак бўлиб кетди. Дарахтга тирмашиб чиқишдан ўзини тийиб, атрофга аланглади. Шу тобда бутун оламнинг мўъжизаси, тоти унинг учун шу кўм-кўк довуччаларда мужассамлашгандай эди...

Ана қайин укаси пайдо бўлди. Жонига оро кирди. Лип этиб дарахтга чиқди. Ғуж-ғуж довуччаларни териб-териб келинойисининг ҳовучига ташлади...

Келинчак довуччага марварид доналарига термулгандай термулиб олди. Сўнг довуччаларни оғзига солди. Карсиллатиб чайнаб, хумори ёзилди.

Йил ўтди. Келинчак яна чорбоғ оралаб юрибди. У қайин дарахти ёнида тўхтади. Ўғилчаси учун бешик ясатмоқчи.

... У бир этак болага она эди. Ўчоққа ўт қалайди, оловда исинади. Юрагининг қалови ўчган. Ўчган эмас, бу оловлар бир этак набираларининг юрагида ёнади энди. Буви остонага қарайди. Остонада бува бўлиб қолган чолининг ҳассаси кўринади. Буви ўчоқда исинади, олов унинг илинжига айланган. Чоли кириб келади, бобо ҳам оловга, кампирга яқинроқ сурилиб ўтиради...

# ЖОВЛИ ХУШБОҚНИНГ ВАТАНИ

Жовли Хушбоқ, Хушбоқов Жовли ака — сурхондарёлик қаламкаш, Шерободнинг Истара қишлоғида туғилган, истараси иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас, ўртача. Бетига, кўзларининг атрофига ўтган йиллар, умр ҳикматларию ҳаётнинг аччиқ-чучуклари чизиклар тортган, бу чизиклар у кишини янада ўйчан, донишманд қилиб кўрсатади.

Йигирма-ўттиз йилдан буён қалам билан қоғознинг меҳнатини қилиб, заҳматини тортиб келаётган Жовлибой оғамизнинг умри, рўзғори мойли, ёғли, яъни фаровон, тўкин-сочин бўлсин деб ният қилиб, ота-боболари шундоқ ием қўйган («Жовли» дегани Сурхондарё, Қашқадарёнинг қўнғирот шевасида «мойли», «ёғли» деган маънони беради).

Шу оғамиз ўз касбини, ёзув-чизув ташвишини яхши кўради. Яхши кўргани учун ҳам шунча йиллардан буён ҳеч иддаосиз қалам қитирлатиб келяпти. Дунёдан ҳам, ҳаётдан ҳам даъвоси, шикоят-шикваси йўқ. Дўст-душмандан норозилигу таъна-дашном қилмайди. «Э, ҳаммаси бир гап бўлар-да» деб кўя қолади. Ойчечамиз, яъни умр йўлдоши, янгамиз мактабда ўқитувчи, болаларга дарс беради. «Шуларга қийин, — дейди, — шунча болани тарбиялаб, билим бераяпти». Шунинг учун ҳам муаллима янганинг изидан Тошкентга — малака ошириш институтигача келиб, ўн-ўн беш кунлаб ёнида юриб, иссиқ-совуғига кайвонилик қилишга ҳам эринмайди. Мабодо, ўн кунлардан кейин кўришиб, «Ҳа, Жовли оға, ҳали ҳам кетмадингизми?» деб сўраб қолсангиз, «Бойбича янгангиз ҳали шу ердаку» дея хижолатомуз жилмайиб қўяди.

Махсус мухбир сифатида Жовлибой оға қалам-дафтари ёнида, неча замонлардан буён юрт кезади, элнинг орасида юради. Шунинг учун, ёзганлари ҳам шу юрт, шу эл ҳақида, одамларнинг эзгу ишлари, бу ёруғ дунёда чекаётган ташвишларию қувончлари ҳақида. Унинг қаҳрамонлари — деҳқонлар, боғбонлар, полвонлару чавандозлар, дўхтирлару чўпонлар. Бир сўз билан айтганда, элдошлари, замондошлари, шу тупроқда из қолдираётган, фарзанд ўстираётган, тириклик ва тирикчиликнинг ҳамма оғир-енгилини баб-баравар тортаётган камтарин инсонлар унинг очерклари, адабий ўйлари, бадиа ва қиссаларининг қаҳрамонларидир. Ўқиганингизда сизнинг ҳам бу инсонларга меҳрингиз тушади, уларни яхши кўриб қоласиз, уларни кўргингиз, суҳбатлашгингиз келади. Ва муаллиф илиқ бир меҳр билан тасвирлаган бу одамлар, бу Ватанга нисбатан кўксингизда соғинчми, муҳаббатми — нималардир мавжланиб, жимирлай бошлайди.

Дарҳақиқат, шундай. Жовли ака ўз эли, юртдошларини яхши кўради, ўзи туғилиб ўсган тупроғи, сомон ташиган далаларию неваралари қўй боқиб юрган дашту қирларини жон-дилдан севади. Шунинг учун ҳам ёзганлари кишига таъсир қилади, ҳаяжонлантиради.

Барча яхши ёзадиган шоирларни Жовли акадек яхши кўрадиган мухлис бошқа бўлмаса керак. Шу сабабли, адабий ўйлари, мақолаларида кўпгина шоирлардан мисол-сатрлар ёки эпиграфлар бор. Ҳеч бировнинг кўнгли қолмасин дегандайин бир бағрикенгликдир-да бу ҳам.

Ўн-ўн бешталар китоб чиқариб, эл аро танилгандан кейингина Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганда, кап-катта одамнинг боладай шодланганига Жовли оғанинг тимсолида гувоҳ бўлганмиз.

Оғамиз китобни яхши кўради. Қачон Тошкентга келса, албатта, қайтишда садоқатли, ажралмас, қадрдон дўсти — катта йўлсумкасини янги китобларга тўлғизиб, тўлдириб Сурхонга жўнайди. «Болалар ўқийди, — деди. — Китоб яхши-да...»

Ўзи ёзган «Юрагимнинг сирлари», «Ширидир азоби севгининг», «Истара — соғинчим менинг», «Ички дард туғёни» сингари китоблари аллақачон элу элдошларнинг дил мулкига айланиб кетган, ҳозирда ҳам эл кезиб, сўз ва шева териб, янги китобини тайёрлаш ташвишида. Тириклик ва тирикчилик, ҳаёт ва умр, элу юрт, қалам ва қоғоз.

Буларнинг бари бирлашиб, умумлашиб, умр мазмунига айланган. Умр мазмуни эса меҳру муҳаббат билан, эзгу ташвишлару яхши амаллар билан гўзал. Жовли акага шундоқ жозибали тақдир яна бир карра муборак бўлсин, дебон у кишига тўрт сатр шеър узатиб қоламиз:

**Жовдирар Жовли Хушбоқ,**
**Дўстим, дунёга хуш боқ.**
**Хуш боққилу қалам сур,**
**Қиличдан ҳам қалам зўр!**

Сирожиддин САЙИД

Эътироф

# ПОЭЗИЯ – ЎЗ-ЎЗИЧА ВОҚЕЛИКДИР

***Ҳар қандай янгиликнинг замирида ҳаётни теран идрок этиш иқтидори ётади. Бу эса ўз-ўзидан юзага келадиган жараён эмас, балки билим ва савияга боғлиқ масала. Ижодкор савияси, тафаккури юксалган сари у ҳаётга теран нигоҳ билан қарай бошлайди, уни ўзгача идрок этади. Шу маънода эскисининг инкори ўрнига келган нарса янгилик саналади. Модернизм жараёни ҳам шундайдир.***

***XIX асрнинг ўрталарига келиб айрим илғор фикрли европалик ижодкорлар воқеликни тасвирлаш, унга «тақлид» қилишдан чекина бошлашди. Уларнинг наздида бу усул ижодкорлар имкониятини чеклайди. Бу ҳақда норвег адиби ва мунаққиди Эслен Ховардсхолм қуйидагича ёзади: «Бугун биз шундай санъат билан рўпара келиб турибмизки, бу санъат ҳақиқатга ўхшашлик талабини инкор этади; бу санъат воқеликни бошқача тарзда қабул қилишга интилади. Бошқа бирон аниқ сўз тополмаганлари учун замонавий санъатни «модерн санъат» деб атамоқдалар» («Жаҳон адабиёти», 2001 йил, 1-сон).***

Норман Мейлер «Пикассонинг ёшлиги» асарида модернизмнинг туғилиши ҳақида шундай дейди: «Икки аср оралиғида илгари ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган кашфиётлар қилинди. Марконинг симсиз алоқа билан боғланиш сингари кашфиётлари одамларни шошириб қўйди. Мана шу сингари ғаройиботларнинг эстетик аҳамияти ҳам бор... Бу эса шоирлар ва ижодкорларни бефарқ қолдирмади. Чунки улар технологик инқилобнинг фақат техника билан чекланиб қолмайдиган, ялпи оммага вақтинчалик номаълум мазмунмоҳиятини ботинан идрок қила билган эдилар. Бирон-бир масофани фақат от ёрдамидагина эмас, бошқа воситалар кўмагида, боз устига, ақл бовар қилмас тезликда босиб ўтиш мумкин экан, ижод майдонига ҳам бошқача андозалар билан ёндошмоқ керак, деган тушунча-ақидалар пайдо бўлди. Ана ўша йиллари Фрейд ўзининг туш таъбирини кенг жамоатчиликка ҳавола қилганди. Бу эса кўплаб ижодкорларни ҳаётга янгича нигоҳ билан қарашга ундай бошлади. Инсоннинг ботиний оламига илк йўлак очилганди. Азалий тушунчалар, анъаналар чилпарчин бўлиб кетганди».

Шундай қилиб, жамиятдаги техникавий тараққиёт бадиий ижод жараёнида ҳам ўзгариш ясашга замин яратди. XX аср ижодкорлари борлиқни бевосита эмас, балки бавосита, яъни ақлан эмас, аксинча, қалбан идрок эта бошладилар. «Натижада воқелик-объектнинг ранг-баранг ботиний олами жилва қилиб, кўзларни қамаштира бошлади» (А.Генис). Демак, модернизмнинг объекти реал воқелик эмас, субъект, ижодкорнинг тасаввуридаги воқеликнинг талқинидир. XX аср бошларида Ғарбий Европа адабиёти ва санъатида юзага кела бошлаган импрессионизм, футуризм, экспрессионизм каби оқимлар модернизмнинг хамиртурушини ташкил қилади.

Ҳаётда ҳар қандай янгилик дастлаб қаршиликка учрайди. Бунинг икки сабаби бор. Биринчи сабаби ўрганган анъанадан воз кечолмаслик ёки тушуниб етмаслик бўлса, иккинчи сабаб, янгиликнинг мақсад-моҳиятини англамаслик оқибатидир. Чунончи, экзистенциализм оқими ҳам дастлаб қаттиқ қаршиликка учраган. Экзистенциячилар асосий диққатини инсон ҳаётининг салбий томонига қаратади, деган фикрлар айтилган. Ваҳоланки, бу оқимнинг йўналиши буткул бўлакча. Мана, бу борада машҳур француз адиби, файласуф, экзистенциализм таълимотининг асосчиларидан бири Жан Пол Сартр нима дейди: «Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз экзистенциячилик деганда, энг аввало, инсонга ҳаёт кечириш имконини берадиган ва бундан ташқари, ҳар қандай ҳақиқат ҳамда ҳар қандай фаолиятнинг маълум муҳит ва инсоний субъективлик тақозо этишини таъкидлайдиган таълимотни тушунамиз» («Жаҳон адабиёти», 1997 йил, 5-сон). Дарҳақиқат, экзистенциячилар «инсон ўз эҳтиросларини ўзи жавобгар», «ҳаётда ўзини ўзи яратадиган муҳаббатдан бўлак муҳаббат йўқ», «инсон ўз ҳаёти билан яшайди», «у ўз қиёфасини ўзи яратади», деган таълимотни илгари сурганлари учун танқид қилиниши жоизми? Экзистенциализм таълимотининг ҳаётбахшлиги шундаки, бу оқим тарафдорлари инсонни қилган ишига қараб баҳолайди, ҳаракатгина инсонга яшаш имкон беради, деган фалсафий ҳақиқатни ўз асарлари замирига сингдиришган. Демак, модернизмнинг шаклланишида катта рол ўйнаган бу каби оқимларнинг замирида ҳаётбахш таълимот мавжуд экан, уларнинг уйғунлашган кўриниши бўлган модерн руҳидаги асарлар замирида ҳам одам ва олам моҳиятини теран англашда қўл келадиган муҳим фикр ва ният борлиги шубҳасиз.

Ҳозирги кунда модерн руҳидаги асарларга икки хил қараш мавжуд. Бир хил қарашдаги ижодкорлар модернизм оқимини қўллашади, унинг замонавий адабиётда етакчи тамойил эканини таъкидлашади. Иккинчи хил қарашдагилар модернизм ғарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди, шарқона исломий маънавият, ўзбек маънавияти бунга йўл қўймайди, дейишади. Бизнингча, бу иккала қараш ҳам камчиликдан холи эмас. Биринчи хил қараш тарафдорлари бугунги кун адабиётида кишини ўйлашга, фикрлашга мажбур қиладиган бирдан-бир оқим модернизм деб, анъанавий шеъриятга беписандлик билан қарашгани учун ҳақ бўлишмаса, иккинчи хил қарашдагилар эса, бу оқим билан унинг маҳсули бўлган шеъриятга оид қарашни қориштириб юборганликлари боис ҳақ эмаслар. Албатта, айрим муваффақиятсиз чиққан модерн шеърлардаги ташбеҳлар нафосатдан холилиги, бошқотирма шаклидалиги боис киши руҳига сингмайди, туйғуга бегона бўлиб қолаверади. Руҳга бегона нарсада эса жозиба бўлмайди. Лекин ўша шеърларнинг бу тарзда бўлишига оқим айбдор эмас, балки уларни ёзаётган шоирлар айбдор. Чунки бу оқимда миллат руҳидан, турмуш тарзидан, табиатидан чекинмай, олам-олам маънога эга, ғўзаллиги билан завқлантирадиган шеърлар ёзса бўлади. Бунга замонавий шарқ поэзиясидан, хусусан, япон, корея шоирлари ижодида истаганча мисол келтириш мумкин.

Модерн шеърининг хусусияти ҳақида Эрлинг Кристо шундай ёзади: «Поэзия воқеликка тақлид қилиш эмас ёки воқеликнинг тафсири ҳам эмас, поэзия — ўз-ўзича воқеликдир, воқелик бўлганда ҳам амалдаги воқеликдан ортиқроқ даражада воқеликдир. Унда жўнлик пардасини бир чеккага суриб қўйиб, бизнинг онгимизнинг «воқелик» билан мулоқотга киришишга ёрдам берадиган «ҳимоя механизми»нинг хатти-ҳаракатини намойиш қилишга интилиш тажассум топгандир. Яхши асар — китобхон шуурида портлайдиган бир бўлак «сиқиқ воқеликдир». Бу сўзлар фақат поэзия учун эмас, жамики модернизм учун қонун кучига эга» («Жаҳон адабиёти», 2001 йил, 1-сон).

Маълумки, бадиий ижоднинг қуроли сўздир. Ижодкор ўзи идрок этган воқеликни, оламни, кишига айтмоқчи бўлган фикрини, илгари сурмоқчи бўлган ғоясини сўз орқали амалга оширади. Сўз ва ибораларни, ташбеҳларни ўринли қўллаш, айниқса, шеър учун зарур ва шартдир.

Модернизм моҳиятини теран тушуниб, қалбан идрок этиб ижод қилган Рауф Парфи шеърларида моддий борлиқнинг аниқ тасвири таъсирчанликни ошириш билан бирга, лирик қаҳрамоннинг энг нозик туйғулари ва ички кечинмаларини ҳам ёрқин ифодалашга хизмат қилади. «Йўловчи» туркумига кирган шеърларидан бирида шоир шундай ёзади:

**Кўзимнинг ғорида парчинлаган Кўк,**
**Булутлар, тўлқинлар, ҳиддат сочилган.**
**Сенинг чиройингда гард йўқ, ғубор йўқ,**
**Алданган гулларнинг бағри очилган.**

**Сен-да сочилгансан, очилиб гулим,**
**Сен балки мен учун яшарсан энди.**
**Сен ёлғизсан бу дунёда, севгилим,**
**Чексиз чидамимнинг синчлари синди.**

**Чўнқайган чўққидан сўрайман сени,**
**Қариган баҳордан сени сўрайман.**
**Топгил, дейман Менинг Буюк Севгимни.**

**Ер тишлаб сўрайман, сўнг бор кўрай ман,**
**Чақинлар жимликка чақар жисмингни,**
**Кўкнинг синиғига сени ўрайман.**

Ушбу сонетдаги сўзлар жозибаси кишини мафтун қилади. Лекин улар замирида яширинган фикрни киши тезда илғай олмайди. Уни англаш учун эса, ҳолатни тасаввур этиш лозим. Маълумки, кўзнинг чуқурида (ғорида) кўз соқоси — гавҳар жойлашган. Унда тиниқ осмон, яъни бутун борлиқ жилоланади. Тиниқ нарсада гард, ғубор бўлмайди. Дунё, олам ҳам киши кўзига шундай кўринади. Лекин яшаган сари дунё ўзининг бошқа томонларини ҳам намоён қилади. Шоир соф деб ўйлаган нарса рўё бўлиб чиқади. Ҳаётнинг турфа найрангларидан чўққилар ҳам чўнқайган, баҳор ҳам қариган. Лекин шоир софликка, комилликка интилади. Комилликнинг биринчи асоси чин севгига муяссар бўлишдир.

«Йўловчи» шеърида шундай сатрларни ўқиймиз:

**Сўзнинг гулханида руҳим исинди,**
**Уч юлдуз, ойларнинг сўзин ўқидим...**
**Аламзор қўйнида эзилган бир барг,**
**Сўнгги Унут сўзин дарёси оқар.**

Сиртдан ёндашганда «Сўзнинг ҳам гулхани бўладими?» деган савол туғилиши мумкин. Лекин мушоҳада юритиб кўрилса, моҳият ойдинлашади. Халқда бежизга: «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин», дейилмаган. Чунки ҳаётда сўзга тенг келадиган таъсирли ва «тўйимли» нарса йўқ. Инсоннинг исёни, итоати, мутеълиги, шижоати ҳам сўз туфайлидир. Демак, «сўзнинг гулханида руҳнинг исиниши» табиий ҳол. Исинган, яъни тетиклашган, дадиллашган руҳ атрофидаги нарсаларнинг моҳиятини англайди. Иккинчи мисрадаги юлдуз, ойлар планета эмас, маънавият осмонидаги юлдузлар, ойлардир. Шоир ўшаларнинг сўзин ўқийди, идрок этади. Шундан руҳи қийналади. «Эзилган бир барг» тўғри маънодаги барг эмас, у шоирнинг юрагидир.

Модерн шеър кутилмаган ташбеҳлари билан ажралиб туради.

**Умидларнинг қулини сепдим**
**Мен бошимга, оқарар сочим.**
**Қолавердим, қаёнлар кетдинг?**
**Сен мендаги ўзингдан қочиб —**

деб ёзади Фаҳриёр. Умидларнинг ушалишига ҳижрон изн бермайди. Ҳижронда қалб оташга айланади. Оташда умид варақлари куяди. Куйган сари эса оташ алангланади.

Модерн шеърнинг яна бир хусусияти шундаки, бундай шеър анъанавий шеърдан ўзгача шаклга эга бўлади, унда шоир позицияси аниқ бўлмайди, маълум бир хулоса, якун ясалмайди. Аксарият ҳолда тиниш белгилар ҳам қўйилмайди. Чунки фикр онг оқимига монанд тинимсиз оқади. Баҳром Рўзимуҳаммад «Жараён» номли шеърида шундай ёзади:

**Руҳимда яшайди бир ваҳший одам**
**қузатиб ётади феъл-атворимни**
**қанча сипо кўринсам шунча дарғазаб**

Агар сатрлар замирига теран назар ташланса «ваҳший одам» кимлиги аёнлашади. Маълумки, шайтон эзгуликдан безовта бўлса, ёмон аъмоллардан гулгул ёнади:

**бетоқат бўлади гоҳида**
**гул ҳидласам ёки шеър ёзсам**
**бехосдан ириллаган кучук сингари**
**ичсам сакраб кетар қувонганидан**
**шундай ўкирарки бу қичқириқ**
**фош этади мени ва уни**

Шайтон қутқусига учган одамдан дўстларнинг ихлоси қайтади («Дўстларим фикридан қайтар оҳиста мен борган даврага яқинлашмаслар»). Инсонийликни асраш учун шайтонга изн бермаслик керак. Шундагина бу «ваҳший» жунбушдан тўхтайди, тинчийди:

**аммо бу қичқириқ янграган заҳот**
**чўяндек оғир бир харсанг тошни**
**елкамдан туширгандек бўламан бир зум**
**сўнг эса жиддийлик қалқар юзимга**
**елкамга чиқади ўша тош ҳамда**
**пинакка кетади шу ваҳший киши**

Модерн шеърда кейинги парча олдин келган парчанинг маъносини тўлдириб бормайди. Ҳар парча мустақил, тугаллаган маънога эга бўлади.

**ахир рангин камалак бор-ку**
**нега зерикади товус катакда**
**само ташқарида қолиб кетмас ҳеч**

Гўзалликка эга ҳилқат эътиборсиз қолиб кетмайди, албатта, ўзини намоён қилади. Чунки гўзалликнинг замирида эзгулик мавжуддир. Эзгулик эса ҳамиша ғолибдир. Товус бу ерда гўзаллик тимсоли.

**Юлдузлар бор ундан нарида**
**баҳайбат кўз ёши бор зўлдирдек**
**у онаси ёмғирнинг қорнинг**

Кўз ёши чуқур дард, изтиробдан юзага келади. Аристотелнинг таълимотига кўра, дард, изтироб киши қалбини поклайди. Шоирнинг дарди ижтимоий дард — ёмғир, қор бўлиб ёғилади. Демак, бу кўз ёши нафақат инсонни, оламни ҳам поклайди.

Модерн шеърият ҳар доим ҳам тушкунлик кайфиятини тарғиб қилмайди. Ҳатто унинг тасаввуф шериятига яқинлиги бор. Чунки кўриб ўтганимиздек, модерн шеърият ҳам ҳаётни ва одамларни ёмон иллатлардан фориғ бўлишга ундайди. Бундай хусусиятни Абдували Қутбиддин, Даврон Ражаб, Болтабой Бекматов, Икром Искандар, Гўзал Бегим, Олима Набизода сингари навқирон шоирлар шеърларида кузатамиз. Лекин беўхшов ўхшатишлар, бир ҳафтадан кейин шоирнинг ўзи ҳам нима демоқчи бўлганини тушунтириб беролмайдиган машқларни ҳам модерн намунаси деб тақдим қилинаётгани, очиғи, модерн шеърларидан ихлосни қайтариши табиий ҳолдир.

Бир сўз билан айтганда, модерн шеъриятни инкор қилишга эмас, тушунишга интилиш керак. Чунки бу оқим замирида тушкунлик эмас, эзгулик ётади.

**Ҳакимжон КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

*Бадиият ва назария*

# ҚАЛАМИ РАВОН ИЖОДКОР

Ёш ёзувчиларнинг 1958 йили бўлиб ўтган республика семинарида «Чироқлар» ҳикояси билан тилга тушган Аҳад Ҳасан 1962 йили шу номдаги илк ҳикоялар тўпламини эълон қилди. 1966 йили «Санобар» деб номланган иккинчи тўплами босилиб чиқди...

Аҳад Ҳасан адабиётдан ўзига муносиб ўрин топиш учун йиллар давомида тинмай изланди. Биринкетин «Қизилқум қизи»(1974), «Муҳаббатнинг сомон йўли»(1976), «Олдинда нур бор»(1978), «Чин ҳақиқат»(1981), «Муқаддас тупроқ»(1981), «Юзма-юз»(1988), «Қайноқ қум»(1988), «Бухоройи шариф дерлар»(1998) сингари тўпламларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. 2003 йили «Қайтар дунё» романи дунё юзини кўрди. Унинг асарлари Иззат Султон, Саид Аҳмад, Комил Яшин, Жалол Икромий каби таниқли адиб ва олимлар назарига тушди. Матбуотда бу асарлар тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди.

У кейинги йиллари кўҳна тарихимизнинг шонли саҳифаларини варақлаб, улуғ аждодларимиз ҳаётидаги ибратли воқеалардан илҳомланиб, маънавий-ахлоқий мавзуларда бадиҳалар ёзди. «Аждодлар нидоси»(1994), «Халоскорлик»(1994), «Олтин бешик»(1996), «Яхшилик уруғи»(1998), «Дунёни болаларга берайлик»(2001) тўпламлари унинг ана шундай публицистик руҳдаги асарларидан ташкил топган.

Адиб мавзуни ҳаётдан, илҳомни атрофидаги одамлардан олди. Асарларига оддий қишлоқ кишиларининг турмуш тарзи, ўй-фикрлари, туйғу-кечинмалари, қайғу-ҳасратлари, орзу-умидларини олиб кирди. Кичик қишлоқда ҳам катта ташвишлар мавжудлиги, дунё, ҳаёт, инсон умрининг мазмунмоҳияти ҳақида ҳамма ерда бир хилда мушоҳада қилинишини зоҳиран оддий, ботинан мураккаб қаҳрамонлари мисолида кўрсатди. Катта қалб, буюк муҳаббат, юксак орзулар, теран мулоҳазалар, теша тегмаган гаплар оддий одамлар учун ҳам хослигига яратган образлари орқали ўқувчини ишонтира олди.

Шу ўринда Аҳад Ҳасан ижодига хос икки муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтишни истардик. Биринчиси — у мавзуни турмушнинг ўзидан олганлиги учун ҳам асарлари ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Улар бадиий жиҳатдан етарли даражада пишиқ бўлмаслиги мумкин, лекин ҳаётий асоси ҳамиша мустаҳкам. Бухоронинг яқин тарихи билан боғлиқ «Юзма-юз» қиссасига ёзган сўзбошисида машҳур адиб Жалол Икромий бу ҳақда шундай деганди: «Аҳад Ҳасан ўзига яқиндан таниш, қалбига чуқур ҳаяжон бағишлаган мавзуни, воқеа-ҳодисани тасвирларкан, қалами ҳамиша равон «юради», самимий, табиий бир оҳанг касб этади».

Иккинчиси — адиб сўзга масъулият билан ёндашади: ёзувчи яратган образлар ҳамиша ҳам бадиий жиҳатдан қиёмига етмаган бўлиши мумкин, лекин асарлари тил ва услуб жиҳатидан оқсамайди. У қаҳрамонларининг ички кечинмаларини нозик тасвирлайди.

Ёш авлодда бадиий ижодга ҳавас уйғотишни мактабда муаллимлик қилган давридаёқ бошлаган Аҳад Ҳасан туман газетасига ишга ўтгач, «Мингчинор» тўғарагини ташкил этиб, бошловчи қаламкашларга ижод сир-синоатларини ўргатиб келмоқда. Бу тўғаракдан учирма бўлган кўплаб шоир, ёзувчи, журналист ва адабиётшунослар бугунги кунда Ўзбекистон телерадиокомпанияси, турли газета-журнал ва нашриётлар, илм ва ўқув масканларида қизғин фаолият билан машғул.

Отанинг умри фарзандларида давом этганидек, ижодкор ҳаётининг қадри ҳам у ёзган асарлар ва тарбиялаб етиштирган шогирдлари билан белгиланади. Бу жиҳатдан Аҳад Ҳасан ҳавас қиларли тақдир соҳиби — у олим ва ижодкорлардан иборат Ҳасановлар сулоласига асос солди: укаси Аҳрор Ҳасанов — файласуф, жияни Тошпўлат Аҳмад — таниқли шоир ва журналист, ўғиллари — Илҳом Ҳасан (марҳум) истеъдодли олим, ёзувчи ва таржимон, Шавкат Ҳасан шоир ва адабиётшунос (яқинда филология фанлари доктори бўлди).

Аҳад Ҳасан айни етуклик ёшида. Биз адибни табаррук 70 ёши билан муборакбод этиб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, жўшқин илҳом ва ғайрат-шижоат тилаб қоламиз.

**Тўра МИРЗАЕВ,**
**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**Эргаш ОЧИЛОВ**

*Қутлаймиз*

*Доимий ҳамроҳ*

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг», деган эдилар. Ҳақиқатан ҳам, давлатнинг куч-қудратини мамлакатда қад кўтариб турган тарихий осори атиқалар ва янги бунёд этилган улуғвор бинолардан ҳам илғаб олиш мумкин.

Таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Давлатнинг салобати ёхуд Соҳибқирон юлдузи сари» рисоласида («Ўзбекистон» нашриёти, 2005) уч минг йилдан зиёд тарихга эга миллий давлатчилигимиздаги бунёдкорлик фаолияти ва салоҳияти ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, рисолада ўзбек иморатсозлигининг ўзига хос хусусиятлари, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар томонидан қурилган буюк осори атиқалар, истиқлол йилларида муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов етакчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида сўз юритилган.

Рисолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Уч минг нусхада чоп этилган «Давлатнинг салобати» рисоласи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

*Ёдгома*

# ҲАЛҚИНИНГ ҚАЛБИДА

ХХ аср қорақалпоқ адабиётида миллатнинг ғурури ва фахр-ифтихорига айланган кўплаб истеъдод эгалари бор. Истиқлол йилларида бу ижодкорлар янада жўшиб ижод қилдилар. Зеро, мустақиллик қорақалпоғистонлик адабиёт ва санъат вакилларига ҳам миллий ғурурни мустаҳкамлаш, озодликни тараннум этиш, келажакка ишонч уйғотиш каби масъулиятларни юклаганди. Таниқли ижодкор, таржимон ва журналист, Қорақалпоғистон халқ шоири Тўлибой Қобулов ҳам қорақалпоқ шеъриятининг забардаст вакилларидан бири эди. Меҳнат фаолиятини «Қорақалпоғистон» нашриётида муҳаррирликдан бошлаган Тўлибой Қобулов Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси бошқармасининг масъул котиби, «Амударё» журналининг бош муҳаррири лавозимларида самарали фаолият юритди.

Адибнинг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида ўндан ортиқ шеърий тўплами чоп этилди, юзга яқин шеърларига мусиқалар басталанди, бу қўшиқлар радио ва телевидение орқали мунтазам янграб турибди. «Қорабуға», «Ошиғингман», «Дийдор», «Сен туғилган оқшом», «Сен мени табрикла» каби мажмуалари шеърият ихлосмандларига яхши таниш. Тўлибой Қобулов қардош халқлар ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини қорақалпоқ тилига таржима қилиб, қорақалпоқ миллий поэзиясини ҳар томонлама ривожлантириш ва бойитишга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг рус тилида нашр қилинган «Капель», «Я влюблен» номли китоблари ҳам ўқувчилар орасида эътибор топди. Ўтган йиллар давомида Тўлибой Қобуловнинг ижодий фаолияти муносиб тақдирланиб, 1992 йили унга «Қорақалпоғистон халқ шоири» фахрий унвони берилди.

Шоир вафот этган кунлари хизмат сафари билан Нукус шаҳрида эдим. Қорақалпоқ халқининг севимли фарзандини сўнгги йўлга кузатишда ёзувчилар уюшмаси фаоллари, ижодкорлар камарбаста бўлдилар. Қисқа умрида ўзидан яхши ном, ёруғ из қолдириш, муносиб шогирд ва фарзандлар тарбиялаб вояга етказиш фидойиликни талаб этади. Тўлибой Қобулов яратган гўзал шеърий асарлар халқининг қалбида сақланиб қолади. Яқинда «Аму тонги» газетаси шоир вафотидан кейин унинг бир туркум шеърларини эълон қилди. Шеърларининг бирида у шундай ёзган:

**Эртанги кун мен яшаган**
**замон деб,**
**Авлодларга айтса мени,**
**одам деб,**
**Армонимнинг рўёб**
**бўлиб чиққани —**
**Энг зарури шудир менга,**
**берар зеб.**

Шоирнинг бетакрор ижоди қорақалпоқ адабиётининг, китобхонларнинг мулкига айланди. Унинг руҳи шод, охирати обод бўлишини тилаб қоламиз.

**Ўлжабой ҚАРШИБОЙ**

# ҒАЗАЛ ИШТИЁҚИ

«Баҳористон» китобида Жомий шоирлик даъво қилувчи айрим замондошларини ҳазил ва ҳажв билан сийлаган. «Баҳористон»нинг олтинчи равзаси (бўлими) буткул шоирларга ҳазил-мутойибадан иборат. Дайламий бувайҳийлар салтанатининг маърифатли вазири Соҳиб Аббод илм, фан, санъат аҳлига ғамхўр, ҳомий бўлган. Унинг ҳузурига чинакам истеъдодли шоирлар ҳам, чала, юзаки мисралар ёзувчи қофиябоз, сохта шоирлар ҳам мақтов эшитиш умидида келаркан. Абдураҳмон Жомийнинг ёзишича, вазир Соҳиб Аббод ҳузурига бир шоир келиб қасида ўқийди. Унинг ҳар бир байти ўзга бир девондан, ҳар маъноси бошқа бир сухандондан эди(яъни у кўчирмачи экан). Вазир шунда ҳам даъвогарни урушмай, ҳазил билан нуқсонини тушунтирибди:

— Ажойиб бир карвон етаклаб келибсан. Агар туяларни ечиб юборсанг, ҳар бири ўз галасига қайтади, сенинг карвонингда ҳеч нарса қолмайди.

Бу кичик мақоламизда касби шеъриятдан узоқ бўлган укамиз Сулаймон Ҳайдарнинг шеърга ишқи тушганини ҳажв қилиш ниятимиз йўқ. Аксинча, иқтисодчи йигитнинг шеър ёзиш дардига чалингани, яна аруз вазнида ёзиши, яқинда шеърий тўпламини нашр эттиргани эътиборга лойиқ (С.Ҳайдар, «Мавжи иқбол», 2005).

Сулаймон Ҳайдар ҳаваскорларча ёзган ғазалларини узоқ вақт нашр этмай, атоқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов, адабиётшунослар — Нўъмон Раҳимжонов, Ортиқбой Абдуллаев, таниқли шоир Икром Отамурод ва бошқа устозларига кўрсатиб, уларнинг фикрини, маслаҳатларини олган, машқларига кучи, иқтидори етганича сайқал берган. Шоирнинг иқболи борга ўхшайди, тўпламдаги ғазаллар шундай дейишимизга асос беради.

Шоир ғазалларида Ватан меҳри чин дилдан қуйланади. Кутилмаганда қуйидагича қисқа, ўйноқи вазнга ўтилади: «Вафонинг ғунчаси кўнглимга мансуб. Вафо бирла кўнгил шодона, марғуб. Диёнатни этиб танқис, не кўрдинг. Ўзинг сўйла, киши ростликка мансуб». Бу шеърда Сулаймон «марғуб» ва «мансуб» сўзларини турли байтларда такрорлаб, ўзгача маъно бермоқчи бўлади, лекин бу шеърни қашшоқлаштирган. Унда «матлуб» сўзи ҳам бир маънода такрорланган.

Тўпламдаги еттинчи ғазал анча пишиқ, сермаъно фикрлар билан йўғрилган. Унда шоир инсонлар аро душманлик, ноаҳилликнинг сабабларини излайди. Аммо ғазалда теран ва саёз фикрлар қоришиб кетган.

**Шоҳиду ибрат ўзинг,**
**эй кўҳна дунё, сўзлагил,**
**Бесабаб қай кимсага**
**ёвлик нишини солди ёв.**

Бу яхши байт. Лекин юқорида келган:

**Асли инсон бир-бирин ҳеч бесабаб**
**тутмайди ёв,**
**Фитнага дўст бўлмоғи, алқисса,**
**бир-бирига ғов —**

Сўзларидаги маънонинг такроридир. Бу ерда «ёв» сўзи ҳам турли маъноларда қўлланмаган. Ғазал якунида келган: «На илож, ҳар кимга ризқ бир айрича бўлмиш ато. Кезмагин оламни ризқ излаб, Сулаймон, ҳеч яёв» байтидаги «яёв» сўзи фақат қофия учун ишлатилган.

Сулаймоннинг «г» ёки «нг» товуши билан тугалланувчи учта шеъридан «тутмадинг» радифли ғазалида анча пишиқ, пухта байтларни ўқиймиз.

**Қайда қолди деб рафиқим,**
**мискин отим тутмадинг,**
**Неча фурсат ўтди,**
**лекин ҳеч ёдим тутмадинг.**
**Ҳофиз ўлган эрдим асли,**
**хулқи ёдинг мадҳ этиб,**
**Сен-чи, бу кун хотирингта**
**эътиқодим тутмадинг.**

Мана бу ғазал байтларида шоир равон, ўйноқи оҳанг билан бирга турли санъат ва лутфларни ҳам ифода қилган:

**Хаёлимни ўйнатди бу тонг**
**турсам хаёлинг,**
**Юрагимни титратди тушда**
**кўрсам хаёлинг.**
**Гул терибсан, меҳринг**
**гул япроғида қолибди,**
**Қароғимга ўрнашгай**
**гуллар терсам хаёлинг.**

Бу ерда гул ҳам хаёл, туш ҳам хаёл, ўй ҳам хаёл, орзу ҳам, ёр ҳам хаёл. Унинг баъзи равон ва ўйноқи ғазаллари фикр, маънолар нафосати жиҳатидан устоз шоир Эркин Воҳидовнинг машҳур «Ёшлик» девонидаги ғазалларини эсга солади. Лекин бу кўчириш эмас, балки Навоий, Машраб, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижодий мактабларида таълим олганлик меваларидир. Хусусан, унинг анъанавий «зоеъ» радифли ғазалида лутфли дидактика, зарифона ва орифона панд-насиҳат маънолари ифодаланган:

**Тархи қош камонингни чизмакка**
**қалам зоеъ,**
**Васфи сўз жамолингни тузмакка**
**рақам зоеъ.**
**Ҳам васфу жамолингта,**
**ҳар тарху камонингта**
**Бир нуқта эмас жоиз,**
**бўлса гар шу ҳам зоеъ.**

«Мавжи иқбол» тўпламидаги «Келур жонимга бот-бот, кеча-кундуз жафо сенсиз. Рафиқ сўзига муштоқмен, бўлибдурмен гадо сенсиз» матлаъи билан битилган ғазал ҳис-туйғулар нафислиги, дардли маънолари, тафаккур ҳурлиги, лирик қаҳрамон севинч ва қайғуларининг самимийлиги билан кўнглимизга завқ беради:

**Юраги хаста беморинг, нетай ман,**
**кунда бедоринг,**
**Соғинтирди гулузоринг,**
**бўлубдирман адо сенсиз.**
**Бошим узра хусуматдин,**
**чиқолмасдин уқубатдин,**
**Ғаним бошима туҳматдин тузибди**
**ихтиро сенсиз.**

Қизиғи шуки, Сулаймон Ҳайдар узун вазнли ғазалларида ифодаланган мазмундан кўра, қисқа, енгилроқ вазнда ёзилган ғазалларида теранроқ маъноларни англата олган: «Юрагимнинг икки банди титрар бежо. Бири айлар маҳзунликдан хўп илтижо. Бирин эса қучоғида ухлар хаёл. Мен ўртада сарсон қолган мискин, гадо. Нечун бунча дардинг оғир, айтгил, десам. Хиёнатлар кўпдир, дея қилди нидо».

Сулаймон Ҳайдар тўпламидаги мусаддас, мусамман, мустазод, туюқ ва рубоийларида ҳам инсон руҳини бойитувчи маънолар товланиши сезилади. Баъзи рубоийларда ахлоқ-одоб, иймон-эътиқод поклиги ҳақида яхши фикрлар бўлса-да, назаримизда, булар ҳали том маънодаги рубоий мақомига етмаган. Уларни яхшигина тўртликлар, дейиш мумкин. Яна шуни айтиш жоизки, кўпчилик навқирон шоирларимиз ғарб шеъриятига тақлидан модерн услубида ёзишга қизиқаётган бир вақтда Сулаймон Ҳайдар каби ёш ижодкорларнинг мумтоз шеъриятимиз анъаналарига содиқ қолаётгани бизни қувонтиради.

**Маҳкам МАҲМУД**

*Китобингизни ўқидим*

# «КИТОБ ЎҚИМАГАН ОДАМ ЯХШИ КУЙЛАЙ ОЛМАЙДИ...»

**Истеъдодли хонанда Озодбек Назарбековнинг «Чанг кўчалар», «Бир кулоғи чандиқ қиз» каби қўшиқларини завқ билан тингламайдиган одам бўлмаса керак. Назаримда, хонанда бу қўшиқларга юрагини ҳам қўшиб куйлаётгандек. Оҳанги халқона, тинглаганинг сари тинглагинг келади. Озодбекнинг саҳнада ўзини тутиши, қиёфасидаги вазминлик «дикир-дикир»лардан чарчаган одамга хуш кайфият бағишлайди.**

**Хонанда билан анчадан буён суҳбатлашиш ниятида эдим. «Халқлар дўстлиги» саройида ўтадиган навбатдаги концертидан олдин Уни изладим. Телефон гўшагини бошқа бир йигитча кўтарди. Мақсадимни эшитгач, яқинда матбуот анжумани бўлишини, хонандани ўша ерда кўриб, савол беришим мумкинлигини айтди. Мен унга «Сиз Озодбекнинг ўзига қайси газетадан сўрашганини айтинг. У ёғини ўзи ҳал қилади», дедим. Кўп ўтмай таҳририятимизга Озодбек Назарбековнинг ўзи кириб келди. У ниҳоятда самимий суҳбатдош экан. Санъатга кириб келиши ҳақидаги саволимга Озодбекнинг жавоби унинг бошқа хонандалардан, хусусан, тенгдошларидан кўра жиддийроқ фикрлашини кўрсатди.**

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ:**

— Биласизми, — деди у жиддий қиёфада, — менимча, санъатга қизиқишингиз қачондан бошланган, деб савол бериш унчалик тўғри эмас. Одам санъат оламига маълум бир ёшда қадам қўймайди. Санъат, аввало, одамга қон билан кириб келади, яъни Аллоҳ томонидан бериладиган неъмат бу. Қолаверса, санъаткорлар оиласида туғилмаса ҳам, яқинлари санъатни севадиган, қадрлайдиган одамлар бўлишса, шубҳасиз, бундай оилада яхши санъаткор камол топиши мумкин.

Масалан, мен қачон куйлай бошлаганимни аниқ эсолмайман. Айтишларича, уч ёшларимдаёқ ҳар ердан эшитган ашулаларни ғиғиллаб юрарканман.

Озодбек дастлаб миллий чолғулардан бирортасини ўрганмоқчи бўлди. Мусиқа мактаби пуллик эди. Оилада кўпчилик бўлганлари учун Озодбек уйдагиларга бу ҳақда оғиз очишни истамади. Ўзи яширинча мусиқа мактабига бориб, синфга кирарди-ю, охирги партада ўтириб оларди. Дастлаб бу ҳол ўқитувчиларга ғалати кўринди, бора-бора йигитчадаги ҳаракатни кўриб, индамай қўйдилар, ҳатто у билан шуғуллана бошладилар. Шу тариқа Озодбек рубоб чалишни ўрганиб олди.

О.Назарбеков санъат оламига қадам қўйган кезлари Муҳриддин Ҳолиқов хонанда сифатида машҳур бўлиб кетганди. Озодбек унинг санъатига астойдил меҳр қўйди, қўшиқларини қайта-қайта эшитди, деярли ҳаммасини ёд олди. Ўйлаб-ўйлаб, охири, Муҳриддин Ҳолиқовнинг олдига келишга қарор қилди. Хонанда Озодбекни яхши кутиб олди, овозини, қўшиқларини эшитиб, шогирдликка олишга рози бўлди. Шу тариқа у бир неча муддат М.Ҳолиқовнинг ёнида юрди, ундан жуда кўп нарсани ўрганди.

1994 йил хонанда ҳаётида унутилмас из қолдирди. Ўша йили М.Ҳолиқовнинг яккахон концертида биринчи марта катта саҳнага чиқди ва катта ҳаяжон билан устозининг «Кел, эй ёрим» қўшиғини ижро этди. Ижро томошабинларга ёқди, кўпчиликка унинг овози ҳам, ижро услуби ҳам маъқул бўлди.

Энди Озодбекнинг олдида масъулиятли вазифа турарди. Бундан буён ҳақиқий санъаткор бўламан деса, тинмай изланиши, хонандачиликда ўз услубини яратиши лозим эди. Озодбек ўз олдига том маънода эстрада хонандаси бўлишни мақсад қилиб қўйди.

Шубҳасиз, бу мақсадга эришиш осон эмаслигини хонанда яхши биларди. Чунки қовурилган бодроқдек потирлаб очилаётган кўпдан-кўп ашулачилар ичида (улар орасида машҳурлар оз эмас) ўз мухлисларига эга бўлиш, бошқалардан ажралиб туриш осон эмас. Шу сабабли Озодбек ўзига мос йўл топишга, яъни миллий лирик ашулачилик билан бугунги эстрада ижрочилигини уйғунлаштириб куйлашга қарор қилди. Бунда асосий эътиборни халқчилликка, халқона оҳангларга қаратди. Натижада кўпчилик ёшларга маъқул қўшиқлари дунёга келди.

— Алишер Турдиев ва Дилшод Аҳмадшоев қаламига мансуб бу қўшиқлар ҳозирги тил билан айтганда «хит»га айланганидан хурсанд бўлдим, — дейди Озодбек. — Аввало, матн, қолаверса, оҳанг халқчил бу қўшиқларда. Масалан, Дилшоднинг бувиси фолклор-этнографик ансамблда куйлаган, у болалигидан халқ қўшиқ-куйлари орасида катта бўлган, ўша пайтдаги ашулалар қулоғида қолган. Ўша эшитганлари асосида ёзилган матн тезда одамларга ёқиб қолди. Бундан ташқари, устозим, бастакор Мусахон Нурматов менга катта ёрдам беряптилар. Бу одам адабиётни жуда яхши билади, шеъриятни чуқур тушунади.

Ҳозиргача бўлган ижодий фаолиятимда шуни яхши тушундимки, адабиётни, айниқса, миллий адабиётни яхши билмаган ёки мутлақо билмаган одамнинг қўшиқ айтишга ҳаққи йўқ. Бугунги кўпгина қўшиқчиларимизнинг камчиликларидан бири уларнинг китоб ўқимасликларида. Саҳнада куйлаётганда ҳам, мухлислар, журналистлар билан мулоқотда ҳам китоб ёрдамга келади. Чунки китоб ўқиган одам бошқалардан, ҳатто ўзидан ҳам бир қадар юқорига кўтарилади. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам айнан шу юксакликдан туриб, муносабатда бўлади, мушоҳада юритади, фикрлайди. Баъзан ўйлаб қоламан: «Балки хонандаларга лицензия беришдан олдин, қандай китобларни ўқигансиз, деган саволни бериш керакдир».

Биласизми, одамнинг савияси ҳатто унинг куйлаш оҳангига ҳам



дард йўқ. Бизда эса, айниқса, мумтоз ва ўзбек халқ қўшиқларида ҳатто мажор ноталарда ҳам дард оқиб туради. Машҳур «Жонон бўламан деб...» қуйланувчи қўшиқни олайлик. Бундай қарасангиз, шўх услубда айтиладиган рақсбоп қўшиқ, лекин матн асосида ҳам, оҳанг асосида ҳам дард ётади. Демак, мумтоз ва халқ қўшиқларини куйловчи хонанда ана шу дардни тингловчига етказиб беролмаса, қўшиқ маромига етмайди.

Озодбекдан бугунги санъаткорнинг саҳнадаги қиёфаси, умуман, жамиятдаги қиёфаси қандай бўлиши лозимлиги ҳақида сўраганимизда, шундай деди:

— Ҳар қандай санъаткорнинг «гуллаган» даври бўлади. Халқнинг, мухлисларнинг қулоғи ўша хонанда учун яшил чироқ, яъни ҳамиша очиқ туради, нимани айтса ҳам эшитавериша-ди. Ана шу нарса одамни ҳаволантириб юбормаслиги керак. Чунки бугун сени эшитаётган мухлис эртага мутлақо тинглама йўйиши мумкин.

Хонанда саҳнада фақат куйловчи эмас, балки актёр ҳам бўлиши керак. Ана шуни назарда тутиб ўқишга қарор қилдим ва Тошкент Санъат институтининг драма ва кино актёрлиги бўлимига ўқишга кирдим, ҳозир учинчи курсда ўқияпман.

Айни кунларда Озодбек Назарбеков навбатдаги яккахон концертига тайёргарлик кўряпти. Хонанда учун яна бир синов бўлган «Сенинг дардинг...» деб номланган бу янги дастур мухлисларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

*Ўқрамизув*

# АКТЁР ИЖРОСИДАН ИЛҲОМЛАНИБ...

## Бир асарнинг олтмиш йиллиги

Ўзбекистоннинг ибратли кишилари қиёфасини яратишга ахд қилган истеъдодли портретчи рассом Абдулҳақ Абдуллаев Ўзбек Миллий академик (собиқ Ҳамза номидаги театр) театрига келганида саҳнада инглиз драматурги В.Шекспирнинг «Отелло» трагедияси қўйилаётган эди. Рассом бу спектаклни оддий томошабин сифатида берилиб томоша қилди. Унга машҳур актёр Аброр Ҳидоятов талқинидаги Отелло роли жуда ёқди.

Шу кундан бошлаб рассом актёрнинг Отеллосига мафтун бўлиб қолди. Унинг ижрочилик репертуарида шоҳ образ ҳисобланган бу ролни бир неча марта кўриб, қораламалар чизиб, анча тайёргарлик кўрган рассом 1946 йилнинг бошида Аброр Ҳидоятов билан учрашди. Абдулҳақ аканинг мақсадини эшитган актёр розилик билдирди.

Рассом кўплаб томошабинларнинг А.Ҳидоятов ижросидаги Отелло роли ҳақида айтганларини эшитди. Театрнинг «Таассуротлар дафтари»ни варақлаб, фикр-мулоҳазаларни ўқиди. Мазкур образнинг яхши чиқишида барча актёр ва актрисаларнинг муносиб ҳиссалари борлигидан мўйқалам соҳиби ич-ичидан қувонарди.

Отелло кўнгли пок, ростгўй, кучли, ёрга ва ҳаммага садоқатли инсон. Актёр ундаги ана шу хусусиятларни ёркин акс эттира олган. А.Ҳидоятовнинг ролга ёндашиш жараёнини тўғри тушунган ва ҳис қилган А.Абдуллаев тинимсиз изланишлардан сўнг 1946 йил охирларида «Аброр Ҳидоятов — Отелло ролида» номли рангтасвир асарини ниҳоясига етказди. Асар илк бор республика рассомлари ижодий кўргазмасида намойиш этилганда ҳамманинг эътиборини қаратди.

Томошабин театрда «Отелло» спектаклини томоша қилиб, асарнинг ғоявий мазмуни, драматург мақсадига тушунган бўлса, рассом яратган Отеллога қараб унинг кимлиги ва фожиаси сабабларини ҳис этади. Отелло қиёфасининг шу даражада кучли чиқишида рақиби Яго (бу ролни севимли санъаткоримиз Наби Раҳимов ўта маҳорат билан ўйнаган)нинг ҳиссаси катталиги шундоққина билиниб турарди. Шунинг учун ҳам Абдулҳақ Абдуллаев бу рол ижросидан кўп нарса олди. Портретда актёрлар маҳорати ҳам, рассом маҳорати ҳам бирдек ярқираб кўзга ташланади.

«Аброр Ҳидоятов — Отелло ролида» асари кўргазмадан кейин Ўзбекистон давлат Санъат музейининг мумтоз асарларидан бири бўлиб қолди. Ўта сифатли, қалб кўри билан яратилган бу асар ҳамон таъмирталаб эмаслиги қувончлидир.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ**

*Маданий ҳаёт*

Бухоро шаҳар «Ёшлик» маданият уйи қошидаги қўғирчоқ студиясида қўғирчоқ театрлари ва тўгарак раҳбарлари учун репертуар, ижро маҳорати, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди. Унда вилоятдаги қўғирчоқ тўгаракларининг бугунги фаолияти ҳақида фикрлар билдирилди. Семинарда «Зумрад ва Қиммат», «Шолғом» эртаклари, фолклор ўйинларидан саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

**Дилрабо УМАРОВА**

# «ЮРТ МАДҲИДА ДИЛГИНАМНИ ЯЙРАТАЙ»

## Қашқадарё вилоятида бахши-шоирларнинг республика фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб бахши-шоирларнинг «Бахшили эл — яхшили эл» деб номланган республика фестивалини ўтказди.

Чироқчи туманидаги Ҳайитгул қишлоғида бўлиб ўтган фестивал бошланишидаёқ табиатнинг ғоят гўзаллигидан, қолаверса, карнай-сурнайларнинг завқбахш овозию, бир хил кийимдаги 15 нафар келиннинг саломга бош эгиб туришидан илҳомланган самарқандлик Зиёдулла бахши Исломов дарвозадан кираркирмасдан куйлаб юборди:

**Кўҳна насаф томонларга**
**тўй келмоқда,**
**Дўмбирамни қўлга олдим**
**сайратай деб.**
**Самарқанддан учиб келдим**
**қанот боғлаб,**
**Юрт мадҳида дилгинамни**
**яйратай деб.**

Фестивал Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қашқадарё вилояти ва Чироқчи тумани ҳокимлигининг қутловлари билан очилди. Дастлаб саҳнага Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидан келган бахши-шоирлар таклиф этилди.

Самарқанд достончилик ва бахшичилик мактабининг довруғли бахшиси Зиёдулло Исломовнинг «Ҳур юртимнинг бетакрор бир гўшаси» дея бошланган бағишлови, машҳур достонлардан ижро этган парчалари, термалари Наврўз нафисликларидан сармаст кўнгилларни янада жўштирди.

Сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшилари — Шоберди Болтаев, Бобораҳим Маматмуродов, Абдуназар Поёновлар бу гал ҳам қутилмаган таъриф-ту ташбеҳлари, талқинию ибораларини билан ажралиб турдилар.

Қашқадарё мактабидан Ўзбекистон халқ бахшилари — Шомурод Тоғаев ва Абдуқаҳҳор Раҳимов бошчилигидаги бахшилар ҳам бўш келишмади. Йиғилганларда, айниқса, 10 ёшли жажжи ҳаваскор илиқ таассурот қолдирди. Хуниддинжон Ҳолиқов исмли бу йигитча дўмбирани катталардай қўлида дадил тутиб, сайратиб, «Мен — бахшилар авлодидан», дея куйлай бошлаганда, йиғилганлар юртимиз иқтидорли ёшларга бойлигидан фахрландилар.

Бахши-шоирларни ўз навбатида «Чироқчи чироқлари», «Момогул» фолклор-этнографик ансамбллари, «Бахтли болалик», «Бинафша» болалар дасталари ўз дастурлари билан сийладилар.

Халқ ижоди намойишига халқ мусобақалари уланиб кетди. Фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари аввал жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев иштирокидаги курашни томоша қилишди. Сўнг қашқадарёлик ва қўшни вилоятлардан ташриф буюрган энг чапдаст чавандозлар беллашган улоқ-кўпкарига гувоҳ бўлишди.

Фестивалнинг фаол қатнашчилари Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва дипломлари, Қашқадарё вилояти ва Чироқчи тумани ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Барча бахши-шоирларга зар тўн кийгизилди.

Бобораҳим бахшининг анжуман ниҳоясида куйлаган:

**«Бахшили эл — яхшили эл!»**
**Бундай таъриф қайда бор-эй.**
**Юртим, сенинг ютуғингни**
**Достонларга битиб борай, —**

деган эътирофи ўзига хос «сўнгги сўз» бўлиб янгради.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар икки йилда Термизда бахши-шоирлар ва оқинларнинг кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида 1998 йил январда қабул қилган машҳур қарорини кўпчилик яхши билади, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров. — Ана шу тарихий ҳужжат шарофати туфайли кейинги етти-саккиз йил ичида ўзбек халқ ижодиётида, хусусан, бахшичилик санъатида ажойиб ўзгаришлар юз берди. Профессонал бахши-шоирлар ва оқинларнинг сафи талантли ёшлар ҳисобига кенгайди. Уларнинг ижодида, касб-маҳоратларида ўсиш кузатилди, репертуарларида янги асарлар пайдо бўлди. Бахши-шоирларнинг қадимий Насафнинг қутлуғ тўйига атаб ўтказилган фестивали ана шу юксалиш ва янгиликларни фаол тарғиб этганлиги, халқ ижодиётининг равнақ топишига кўмаклашганлиги, энг муҳими, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга муносиб ҳисса қўшганлиги билан қимматлидир.

**Юсуф БЕРДИЕВ**



# Муҳтарам юртдошлар!

# «АСАКА» ДАТ БАНК

*Сизларни юртимизга кириб келган*

**Наврўз байрами**

*билан табриклайди ҳамда даромадларингизни кўпайтириш учун Сизларга миллий ва хорижий валютада қуйидаги омонат турларини таклиф этади.*

| Миллий валютадаги муддатли омонатлар | |
|---|---|
| «Наврўз» омонати (сақланиш муддати 2 ой) | 24 % йиллик |
| «Табассум» омонати (сақланиш муддати 45 кун) | 24 % йиллик |
| «Орзу» омонати (сақланиш муддати 3 ой) | 24 % йиллик |
| Болалар учун «Умид» омонати (сақланиш муддати 3 ой) | 25 % йиллик |
| «Тақдим этувчилар учун» омонати (сақланиш муддати 3 ой) | 23 % йиллик |
| «Юбилейный» (сақланиш муддати 6 ой) | 22 % йиллик |
| 6 ойдан 1 йилгача | 24 % йиллик |
| 1 йилдан 3 йилгача | 23 % йиллик |
| 3 йилдан 5 йилгача | 24 % йиллик |
| Пластик карточка | 16 % йиллик |
| Чет эл валютадаги муддатли омонатлар | |
| 1 йилга | 5,5 % йиллик |
| 1 йилга<br>— 1000-5000 АҚШ долларигача<br>— 5000 ва ундан юқори АҚШ долларигача | <br>6,5 % йиллик<br>7 % йиллик |

**Банкдаги барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-84-08, 57-85-15, 120-83-14.**

***Аждодларимиз сўзнинг илоҳий қудратига ишонишган ва амал қилишган. Сўз минглаб одамларни сеҳрлаши, инсоннинг қисматини ўзгартириши мумкин.***

***Табиат билан муомала қилиш, борлиқни идрок этиш, руҳни билиш ва ҳис этиш сўз воситасида воқеъ бўлган.***

***Халқимиз минг йиллардан буён қуйлаб келаётган қадимий қўшиқларнинг илдизи илоҳий амалларга бориб тақалади. Наврўз кунларида ана шундай қўшиқларни қуйлаш, алёрлар айтиш одати ҳам боболаримиз удумидир.***

***Наврўз таровати юртимизни кезиб юрган ушбу саодатли онларда халқ қўшиқларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.***

### ШАМОЛНИ ЧАҚИРИШ

Ғарамларни яйратиб,
Увотта босиб қўйдим.
Елкасига игна санчиб,
Қурбақа осиб қўйдим.
Ҳайдар,
шамолингни олиб кел!

Ҳовузлар сасиб кетди,
Бақатўн босиб кетди.
Бойбува соқолидан
Бир тутам осиб кетди.
Ҳайдар,
шамолингни олиб кел!

### ҚЎШ ҲАЙДАШ

Ўроқ ўрмоқ олмоқ-солмоқ,
Қўш ҳайдамоқ бормоқ-келмоқ,
Ҳаммасидан қийин экан,
Эй ҳўкизим, рўзғор қурмоқ.

Қўш ҳайдайди саман сариқ,
Ҳўкизлари жуда ориқ,
Ҳўкизлари кўтаролмас,
Ерда қолди бўйинтуруқ.

Ҳайда-ҳайда хивич билан,
Донни сепма чўмич билан,
Кенжа бола олишади,
Кучи етмай омоч билан.

Қора ерни қоқ ёрган,
Қовун экиб лаб ёрган,
Меҳнатининг зўридан
Тос тебадан шох ёрган.

### МАЛАКЧА БОҒИ

Малакча боғи-ё,
Тўкилди ёғи-ё,
Чўлга чиқоли-ё,
Чодир қуроли-ё,
Эчки соғоли-ё,
Тулум* чололи-ё,

### ОҚ ЎТОВДА КЕЛИНЧАК

Юғуриб чиқдим шотутта, бўёна,
Кўзим тушди мурутта, бўёна,
Бориб айтинг йигитта, бўёна,
Оқ ўтови боримиш, бўёна.

Оқ ўтови ичига, бўёна.
Ой келинчак боримиш, бўёна,
Ой келинчак ёнига, бўёна,
Тилла бешик боримиш, бўёна.

Тилла бешик ичига, бўёна,
Ой чақалоқ боримиш, бўёна,
Ой чақалоқ бошига, бўёна,
Қизил олма боримиш, бўёна.

### ЧУЧМОМА

«Чув-чув момо», чучмомо,
Чимма, чимма, чиралай,
Сенинг кўзинг қуралай.

Янги тўнинг кийиб чиқ,
Кўҳна тўнинг қўйиб чиқ,
Чув-чув момо, чиқ-чиқ!

### ШАМОЛ

Шамол, шамол,
Бағринг камол,
Онангни сув олиб кетди,
Отангни сув олиб кетди,
Эса қолсанг-чи.

Шамол, шамол,
Бағринг камол,
Кетмонингни ерга қўй,
Болангни сув оқизди,
Эса қолсанг-чи.
Шамол, бағринг камол,
Чўлоқ кетмонингни олиб қоч.

* *Тулум — гуппи, куви.*

# БЎТАБОЙНИНГ БЎЗ ОТИ

Кўкбулоқлик чавандоз Бўтабой полвон болаликдан зийрак ва ақлли тулпорларга меҳр қўйди. Айниқса, отасидан ёдгорлик қашқа байталнинг авлоди — бўз отни тойчоқлигиданоқ ҳавас билан парваришлади. Дев қоматли бўз от бениҳоя чиройли бўлиб, узангисига унча-мунча чавандознинг оёғи етмас, олдидан чиққан дарё жарлик ва чакалакзорларни писанд этмас, узоқ-яқин қишлоқларда бўладиган кўпкарилар усиз ўтмас, солимнинг ярмидан кўпроғини олмасдан қайтмас эди.

Кўп йиллар илгари, тўғрироғи, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари аҳолининг чорва-моллари, йилқиларини ёппасига гўштга топшириш бошланган кезлар эди. Ушбу сиёсат фаоллари тунда уйма-уй киришиб, молларни рўйхатга олиш ва расмийлаштириш топшириғини жадаллик билан бажаришарди. Бундан фойдаланиб, баъзи раҳбарлар, улоқ-кўпкари чопадиган зотдор отларга эгалик қилиш пайида бўлишарди.

Ёши олтмишларни қоралаб қолган Бўтабой амаки ноҳуш кўнгилсизликлардан бесаранжомланиб, олис тоғ-ораликларига вақтинча бош олиб кетиш тадоригини кўраркан, керакли кийим-кечак, ов милтиғи ва озиқ-овқатини хуржунига жойлаб бўз отда азонлаб йўлга чиқди.

Кечқурун фаоллар унинг ҳовлисига бостириб киришиб, хотинини саволга тутишди:

— Бўтабой полвон қаерда? Бостирмадаги от қани?

— Эрталаб чиқиб, кетган эди, — деди лаблари қўрқувдан титраб. — Менга ҳеч нима демади.

Улар ҳовлида кўп туришмади. Одамлар Бўтабой полвоннинг баланд тоғлар ўша Арчасой дараси томон кетаётганини кўришибди. Таъқиб этаётганлар эртасигаёқ йўлга тушиб, дарага икки кун деганда зўрға етиб бордилар. Қозиққа боғлоғлиқ от бегоналарга кўзи тушиши билан қулоқларини диккайтирганича бурун катаклари кенгайиб, кишнай бошлади. Баланд қоя пойидаги юмшоқ ўт-ўланлар устида ўтирган Бўтабой полвон саросимага тушиб қолди. У бироздан сўнг эсҳушини йиғиб, эпчиллик билан от нўхтасини ечди.

— Рози бўл, жонивор, — дея отнинг сағринига устма-уст қамчи босди.

Қордай оппоқ бўз от қуйруқ ёли шамолда ҳилпираганича бир зумда қалин арчазор ичига кириб ғойиб бўлди. Бу воқеани узоқдан кузатиб келишаётган отлиқлар доғда қолишди. Ноилож Бўтабой полвонга ижирғаниб гап қотишди:

— Қочиб келган жойингиз шу ерми?

— Сиз ҳукумат кўрсатмасига хилоф иш қилдингиз. Биз буйруқни бажаришимиз керак.

Умри давомида эл ардоғида бўлган Бўтабой полвон дўқ-пўписа ва таъна-дашномларга чидай олмай, ўпкаси ғуссага тўлди. Кўзларидан оққан ёш соқолларини ҳўл қилиб юборди. У алламаҳалда хуржунини елкасига ташлаганича хомуш уйига қайтди.

Орадан уч кун ўтиб, Бўтабой полвон номига туман ички ишлар идорасидан чақирув қоғози келди. У дарага келган отлиқларнинг воқеани расмийлаштириб туманга ошириганликларини англади. Кейин бир ҳафта мобайнида идорама-идора юриб, жарима тўлаб, чарчаган полвон қўли ишга бормай қолди. Вақт ўтган сайин бўз отини қўмсаб, тўшакда ётиб қолди.

Бу вақтда аҳолининг чорва молларини рўйхатга олиш ва расмийлаштириш бироз тўхтагандай эди.

— Кунингиз шу бўз отга қолдими? — деди бир кун нонушта олдидан тўнғич ўғли Арслон. — Кўпкари чопаман десангиз, бир эмас бир нечта зотдор от топиб берамиз.

— Энди улоқ-кўпкарини қўйдим, — деди ота кўзлари жиққа ёшга тўлиб. — Менга бошқа отнинг кераги ҳам йўқ.

Бир сўзли отасининг кўнглини ўкситганига Арслон пушаймон бўлиб, орага бошқа гап қўшмади.

Бора-бора жигари хун бўлган Бўтабой полвоннинг аҳволи оғирлашиб қолди. Қишлоқ одамларининг «Полвоннинг касали отдан», «Бўз от унинг сирдоши ва қаноти эди» деган гаплари гоҳо-гоҳо қулоққа чалиниб турарди. Баъзилар полвонга тасалли беришиб, сабр-тоқат тилашарди. Ғам-андуҳга ботган ана шундай кунларда полвоннинг томоғидан ҳеч нарса ўтмай қолди. Ниҳоят, у ўғиллари билан видолашмоқчи бўлиб, рози-ризолик тиларкан:

— Менинг куним охирлаб қолди, — деди кўзларини шифтга қадаганича. — Бўз отнинг дарагини топинглар.

Оға-инилар отага Оллоҳдан сабр-тоқат ва умр тилаб, васиятни бажаришга ишонтиришди. Тўкин куз охирлаб, кунлар совий бошлашига қарамай Бўтабой амаки негадир ётган каравотини очиқ турган дераза томонга ўгириб олиб нари силжитишга рухсат бермасди. Бу вақтда тамоман ҳолдан тойиб кўзини очмас, гапиришга мадори ҳам қолмаганди.

Кутилмаганда очиқ дераза ёнида бўз оти пайдо бўлиб, кишнаганича чиройли тумшуғи билан эгасининг елкасини турткилай бошлади. Шу заҳоти Бўтабой амаки кўзини очиб:

— Ҳей, жонивор, келдингми...-а? — дейиши билан сўнгги бор нафас олиб, бандаликни бажо келтирди. Зийрак ва ақлли жонивор эса, искаланиб унинг елка ва қўлларини яларди.

Эртасига ҳовлида тумонат одам йиғилди. Икки кўзи тобутда бўлган асов отнинг кишнаганча чақнаб турган қора кўзларидан ёш томчилари думаларди. Сағрини ва баданларининг қалтирашларини кўрганлар ич-эти увишиб, юрак-бағрилари эзилишарди. Жанозада йиғламаган, мотам тутмаган одам йўқ эди ҳисоб. Гўё улар марҳум учун эмас, кўзларида ёш шашқатор бўлган бўз отнинг аянчли аҳволини кўриб эзилишарди. Кейин бўз от ҳам бўйнини эгганича бошини сермаб одамлар ортидан анча йўлгача эргашиб борди.

Ҳеч ким унга монеълик қилмади.

Умрининг ярми бўз отга боғланиб қолган чавандоз Бўтабой полвоннинг дафн маросимидан кўп ўтмай эгасининг куйитига чидай олмай от жонивор ҳам жон таслим қилди. Бу ҳолатнинг шоҳиди бўлганлар воқеани Кўкбулоқ, Ҳовузбулоқ ва Кўйтош қишлоқларида бўлиб турадиган тўй-ҳашам, давра ва йиғинларда ҳалиҳануз гапириб юришади. Ҳатто эл орасида бўз отни кафанлаб кўмишгани ҳақида гаплар ҳам тарқалган. Болакайлар эса чивиқдан от ясаб, шундай қўшиқ айтиб чопишади:

**Бўтабойнинг бўз оти,**
**Кўкбулоқлик хоназот.**
**Қўлтиғида қаноти,**
**Жониворим асл зот,**
**Чуҳ, жониворим, чуҳ.**

**Эсли-ҳушли ғулув от,**
**Сағринлари келишган,**
**Ёли узун, сулув от**
**Эгасига қайишган,**
**Чуҳ, жониворим, чуҳ.**

**Абдулла САИДОВ**

**Жиззах**

КЎПКАРИ...

# ҒОЙИБОНА МУХЛИСЛИК

## Ҳазил тўйҳат

Маймун кулмоқни ўрганди — одамга айланди, мол кулмоқни билмади — моллигича қолди. Ана сенга кулгининг аҳамияти, эй, чойхоначи Шум бола, деган бўлурди Дарвин.

Хайрияту тасанноларким, эси эскирмайдургон ўзбек маймунликка қайтиш хавфини ўзидан соқит айлаб, ҳануз кулгисеварлигича турибдур. «Муштум» бобо яна олдинги бичимдаги кенг чопонини кийиб, «Афанди» қимматбаҳо гулдор либосни мўда қилғони бунга кичик бир далил бўлса, ажаб эрмас.

Мана, сен хумпар мудир бўлғон чойхонага ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетининг рангли саҳифасидан жой ажратилмиш. Чойхонанг қоши таранг, устаси фаранг гурунгчилар билан доим тирбанд. Шулардан биттаси — терисининг қатига қувноқлик қовилғон, юзида кулдиргичи билан туғилғон Оғадур. Талай ҳажв оқсоқолларини нуқилаб ўтиб, бирдан Оғани пеш қилғонимдан анграйма, жияним Шум бола. Боисини кейинроқда эшитгайсан.

Оғанинг турмушдаги ботмонботмон муаммоларни алпона ортмоқлаб чиққан публисисий мақолалари тўғрисинда, майли, биздан донороқлар сўйласинлар. Мен у кишининг ўпкайиртар кулгига йўғрилғон қатраларию Эркин Сиддиқ янглиғ қизиқфеъл кимсалар ҳаётидан ўмарилғон ҳангомалари, қитиқ патингга қадалувчи писандали «ҳикмат»ларию тағдор тескари мақолларига ишқибоздурман. Уларни ўқирканман, болалик чоғим бир тўйда тўйбоши олдидан опқочиб ялағон нишолдамнинг мазасини қайта-қайта ҳис қилурман.

Қаҳқаҳабоз Оғанинг мухлиси бўлсам-да, сурункали афсусларким, шахсан танишчилик роҳатидан ҳануз бенасибдурман. Сафедбулонда туғилғонини эшитиб, Оға деганлари кўпга маълум ва мақбул жўрнолист Аҳрор Аҳмедўфнинг тахаллуси бўлсамикин, деб юрардим. Локигин, яна бир сафедбулонлик тақсир Турсунбой Адашбоюф бу тахминимни чиппакка чиқариб, Оға турганида, Аҳрорбекка ўхшағонларга қитмирликда йўл бўлсин, деди.

Унинг айтишича, Оға балиқ бозорига кирса, уч-тўртта лаққанинг бошини кесдириб олиб, танасини писанд қилмас эрмиш. Балиқ калла кўзни равшан қилар экан. Соқол қиришдан тўмтоқланғон лезваларни тўплаб юрармиш-да, уларни уламачи боғбонларга тухфа этиб, эвазига сара кўчатлар ундириб кетармиш. Иштаҳасини очадур деб, меҳмоннинг олдига туруп қўйдирмаслигини эса, Одилжон Олимжоний аста қистириб ўтди.

Оғанинг ачитқи кесатиқларга усталиги, ўта ҳозиржавоблиги ҳақинда ҳам бировлар кўп гапириб юришадур. Эмишки, эски замонда жўрнолистлик иши билан бир шаҳарга бориб, улкан гўшт комбинати қурилғонига дуч келибдур. Комбинат раҳбари: «Қалай, зўрми?» — дея гердайса, Оға: «Зўрликка зўр-у, лекин камчилигиям бор — дераза ларга панжарани ташқаридан эмас, ичкаридан ўрнатган тузук эди. Ичкаридагилари ташқаридан келадиган ўғриларидан хавфлироқ», дебди. Яна бошқасини айтсам, қайсидир зиёфатда бир дўкончи йигит писандсиз чимирилганича: «Ака, ойлигингиз қанча ўзи?» — деб сўраса, Оға: «Бизнинг соҳада иш сал тескари — даромадимиз ақлимиздан кўра пастроқ», дебон жавоб қилибдур...

Ана энди асосий гапга ўтайлик. Қулоғимизга чалиндиким, Оға шу кунларда умрининг олтмишинчи поғонасига ботинка ташлаб, кўксига қўл босғон асно, муллаваччаланиб турғонмиш. Шуни сабаблаб, бир қутловча битибдурман, ул бу тутур:

**Олтмиш тўнни эскиртириб,**
**Аҳмад оға,**
**Эл ғамида эл кездингиз,**
**раҳмат оға.**
**Ёзишда бас келмасак-да,**
**Сизни аммо —**
**Бир эзардик, ўйнасалар**
**шахмат, оға.**

Сўғинги чиранчоқ мисра қўпол чиқибдур деб, ичингда ғудранма, жиян. Атайин шундоқ қилдим. Билишимча, Оға шахматга муккадан кетғонлар сирасиндан эрмиш. Чиндан шундай эса, юзсизларча мақтанишим қаттиқ жиғига тегиб, каминани тиғизлик ила беллашувга чорлайдурким, баҳонада яқиндан танишиб олмоғимга қулай шароит туғилгай. Яна эшитишимизча, Оға билёрд деб аталғон ўйинға меҳр қўйғонлардан эрмиш. Саққони саққога бехато уриб, шу йўсин турмуш тугунларини ечармиш. Бу борада ҳам олишувга шайдурмиз.

Биламан, жиян, ёмон довдирсан. Шу туфайли алоҳинда таъкидлаб айтадурманки, ушбу шеърий қутловимни Оғанинг ўз қўлига тутқаз. Магарким адаштириб, бу нодир совғани газетингдаги номи ўхшаш муҳаррирга бериб юборсанг, қайтиб юзингга қарамагайман ва чойхонангга ҳам узоқ муддатли бойқот эълон қиладурман.

Яратгандан сенга катта ҳушёрлик тилаб, Анвар Обидженнинг мунтазам сигаретдоши:

**Кулкул АФАНДИ**

# ИСНОД

Мактаб директори Нури Хуриев эрталаб яхши кайфиятда «Яллама ёрим»ни хиргойи қилганча машинасида ишга кетаётганди. Кутилмаганда олтинчи «Б» синф ўқувчиси Ниёзмуроднинг қўлидан ушлаганча шаҳдам қадам ташлаб бораётган милиционерга кўзи тушди.

Кўзи тушдию... капалаги учиб кетди.

Ахир, бу мактаб учун катта иснод-ку! Ниёзмурод нима қилиқ чиқарди экан-а? Тўртинчи чоракнинг якунланишига саноқли кунлар қолганда бу даҳмазага бало бормиди?

Нури Хуриев фурсатни бой бермай, машинасини елдириб бир зумда мактабга етиб келди. Дарс бошланишига ўн беш минутлар бор. У ўқитувчиларни фавқулодда йиғилишга тўплади. Эрталаб юз берган ҳодисани ташвишли оҳангда баён қилди. Бу гап мактаб учун катта иснод эканлигини қуйиниб таъкидлади.

— Тарбиявий ишни бўшаштиряпмиз, ўртоқлар, йўқса, ўқувчимиз милицияга тушмасди. Ишни эплолмаганлиги учун Қўчқор Садировни олтинчи «Б»нинг раҳбарлигидан озод қиламиз, — дея столга муштлади у. — Тарбия ишидан мактаб қоровулидан бошлаб директорга — ҳеч ким четда қолмаслиги керак! Дарҳол, қоровул билан фаррошларни ҳам чақиринглар!

Илмий бўлим мудири ўқдай отилиб хонадан чиқиб кетди ва зум ўтмай айтилган кишиларни бошлаб кирди. Улар стулларга омонатгина ўтириб, ён-веридагиларга саволомуз тикилишди. Директор яна аввалгидек ташвишли оҳангда воқеани бошқатдан баён қила бошлади. У гапириб бўлгач, мактаб қоровули Қодир ота ўзини тутолмай қаҳқаҳа отиб, кулиб юборди. Бундан директорнинг фиғони фалакка чиқди. Ўтирганларнинг юзида саросима пайдо бўлди. Шундай жиддий вазиятда кулги сиғадими кўнгилга! Қизиқ экан бу чол!

— Шу гап учун бутун мактабни оёққа турғазиб ўтирибмисиз, ўғлим! Мен мактабимизда ўқиётган болаларнинг ота-онасини яхши танийман. Ахир, Ниёзмурод деган ўқувчингиз милиционер Шокиралининг боласи-ку! Улар кўпинча эрталаб бирга келишади. Ниёзмурод ҳозиргина синфига кириб кетди, — деди Қодир ота бош чайқаб.

Фавқулодда чақирилганда йиғилиш қатнашчилари ҳангу манг бўлиб қолишди. Бу воқеа чиндан ҳам ўқитувчилар жамоаси учун катта иснод эди!

## Бир жуфт ҳаҳвоа

# ФОЙДАЛИ ДАШНОМ

Саратон иссиғига унчалик ҳушим йўғ-у, лекин совуққа жуда чидамсизман-да. Қиш келди дегунча қўлимдан дастрўмол тушмайди. Қурғур тумов ҳам тоғасидан салом етказмоқчидай дастлаб каминани ахтариб топади. Шу десангиз, яқинда қаттиқ шамоллаб, уч кун ётиб қолдим. Тўртинчи куни бошлиғимиз машинасини юбориб мени ишга олдирди.

— Уят эмасми ахир, кап-катта одам касал бўлиб ўтирса-я?! Гавдангизга қаранг. Ҳарқалай эркак кишисиз, сал нарсага кўрпа-тўшак қилиб ётаверсангиз, бу ёқда иш қолиб кетади-ку, — дея бошлиғимиз мени аччиқ сўзлар билан қарши олди.

Унинг ҳол-аҳвол сўраш ўрнига дашном бериши каминани гангитиб қўйди. Гўё ростакамига бетобланганимни исботлаётгандек, кафтларимни қувача қилиб қаттиқ йўталиб қўйдим.

— Иш пайтида нега йўталасиз? — ўдағайлади у. Ҳижолатдан аъзои баданим қизий бошлади. Бошлиғимиз каминани бир соатга яқин аччиқтизиқ сўзлар билан роса «сийлади». Шу баҳонада бутун йил бўйи қилган гуноҳларимни тўкиб солди. Калламни елкамга қисиб ўтирарканман, сув-сув терладим. Ахир шунча дашномга жимгина чидаб ўтиришнинг ўзи бўлармиди? Ниҳоят, охирида бошлиғимиз:

— Боринг, ҳозирданоқ ишга киришинг, — дея мени кабинетидан чиқариб юборди.

Ноилож иш столимга ўтириб, йиллик ҳисоботни тайёрлай бошладим. Буни қарангки, кечга бориб бошимнинг оғриғи ўз-ўзидан тўхтади-қолди. Бурундан нафас олишим ҳам анча равонлашди.

Сизга айтсам, терлашнинг хосияти бисёр экан. Бошлиғимизнинг отасига раҳмат-эй, халқ табобатини яхши биларкан. Бўлмаса мени қисти-бастига олиб терлатмасди. Қалампир ҳам терлатади дейишади-ю, бироқ аччиқ сўзнинг олдида қалампир деганингиз нима бўпти?!

Хуллас, ҳозир соғ-саломат ишлаб юрибман. Бошлиғимиз даволамаганида ким билади яна неча кун тумов билан «ош-қатиқ» бўлардим.

**Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ**

## Дунё — кенг...

### МИНГ ЙИЛ ЯШАЙДИГАНЛАР ОРАМИЗДАМИ?

**Узоқ умр кўриш инсониятнинг азалий орзуси. Бу борада олимларнинг неча-неча авлоди тер тўкиб изланишган. Қанчаданқанча тавсиялар, илмий рисолалар, ривояти ҳикоятлар айтилган, чоп этилган.**

«1000 йил умр кўрадиган одамлар аллақачон туғилишган, улар бизнинг орамизда яшамоқда», деган гап хушхабардай тез тарқалди. Бироз муболағали туюладиган мазкур гап Оксфорд университетида уюштирилган умрни узайтириш ва геронтология муаммоларига бағишланган илмий анжуманда таъкидланди.

Reuters агентлиги тарқатган хабарга кўра, ана шу илмий симпозиумда Мичиган университети тадқиқотчиси Ричард Миллер ишонч билан одам умрини камида қирқ фоизга узайтириш мумкинлигини таъкидлади. Олим сичқонлар ва каламушлар устида ўтказган тажрибаларининг натижаларини фикрига асос сифатида келтирди. Маълумки, бу жониворларнинг генетик коди одамники билан ўхшаш. Миллер сичқонлар организмида калорий истеъмолини сезиларли даражада камайтириш эвазига уларнинг умрини узайтиришга муваффақ бўлган. Агар ана шу биологик қонуният одамга ҳам таъсир кўрсатса, у ҳолда одам ўртача 112 ёшгача яшайди.

Кембриж университети геронтологи Обри де Грейнинг таъкидлашича, Ерда минг ёшгача яшайдиган авлод аллақачон туғилган. Унинг фикрича, одамнинг шу ёшгача умр кўриши учун унинг организмини мунтазам «техник кўрик»дан ўтказиб туриш, ўз хизматини ўтаб бўлган аъзоларни алмаштириш зарур. Олим биотехнология кўмагида ўлим ҳолатини умр мобайнида ҳар сафар 30-40 йилга ортга суриш мумкинлигини уқтиради.

Албатта, де Грейнинг фикрлари кўпроқ футуристча қарашларга мойил. Бироқ ривожланган мамлакатларда инсон умрининг мунтазам тарзда ўсиб бораётгани рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

### МУШУК ЭГАЛАРИНИНГ... ҚОИДАЛАРИ

**Британияда уй ҳайвонлари эгалари учун махсус қўлланма чиқаришга ҳозирлик кўрилаётир. Унда эгалари уй ҳайвонларига қай тарзда меҳрибонлик кўрсатишлари зарурлиги миридан-сиригача қайд этилади.**

Мазкур қоидаларда тўрт оёқли жониворлар ҳаёти билан боғлиқ жамики тафсилотлар акс эттирилади, шунингдек, уй эгаларининг уларни қандай овқатлантириш, туалети қаерда бўлишини тайин этишдан тортиб ақлий кўникмаларга ўргатишгача бўлган вазифалари белгилаб берилади. «Ижтимоий» деб аталадиган уй ҳайвонлари эгаларига жониворларининг югириб-ўйнаши учун «дўстлар компанияси»ни ташкил этиш қатъи тавсия этилади.

Умумий қоидалардан ташқари, ҳар бир турдаги жонивор учун бир неча ўн бетдан иборат алоҳида қоидалар тайёрланади. Британ матбуотида бу қоидалардан айрим парчалар эълон қилинди. Хусусан, мушук эгалари бу жониворга қайси ҳайвон томонидан таҳдид бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирилади: «Кучукни, — дейилади қоидаларда, — мушуклар компаниясига олиб киришда жуда эҳтиёткор бўлиш керак, дастлабки пайтларда итларни ипидан ушлаб туриш зарур, бу билан уларнинг мушукларни қувиб кетишнинг олди олинади».

Бундоқ қараганда, бу қоидаларни тузаётганлар «Иши йўқ итини суғоради», деган мақолни ёдга солади. Бироқ, афтидан, улар мазкур тавсияномаларнинг ҳаммага бирдай тушунарли бўлиши устида қайғуришаётган кўринади.

Гарчи мазкур қўлланма умумий характерда бўлса-да, бироқ уй ҳайвонлари эгалари бу қоидаларга бўйсунмаган ёки уларни бузган тақдирда қамоққа тушишлари ёки беш минг фунтгача жаримага тортилишлари ҳеч гап эмас. Гап шундаки, бу қоидалар жониворларни асраш тўғрисидаги қонуннинг бир қисми бўлиши эҳтимоли бор.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Таҳрир ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир Рустам МУСУРМОН
Саҳифаловчилар — Байрамали МУҚИМОВ, Нодир МАМАНОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4049. Буюртма Г — 549. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН